



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
1-iyul
chorshanba
№ 26 (1504)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan www.uzhurriyat.uz hurriyatuz@mail.ru t.me/hurriyatuz Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Азиз ёшлар!

Қадриги ўғил-қизларим!

Сизлар билан ислохотларимизнинг илк давридан бошлаб шаклланган яхши анъанамизга кўра, бугун – Ёшлар кунидан яна бир бор учрашиб турганимдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларини ушбу қутлуғ байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўйбга чиқаришни ислохотларимизнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида амалга ошириб келмоқдамиз. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада ўғил-қизларимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларга кўмакчи бўладиган ёшлар етакчилари корпусини шакллантирдик.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, бандлиги, маънавияти, вақтини мазмунли ўтказишига Давлат хавфсизлик хизмати (Б.Қурбонов) вилоят ва туманлардаги тизими билан бирга масъул этиб белгилади.

Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга садоқат, катталарга ҳурмат ва эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш мақсадида нуруний отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланишни кенг йўлга қўйдик.

Мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини Ёшлар куни деб эълон қилиб, барча ва-зирлик ва идораларни ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш масаласига тўлиқ сафарбар этдик.

Мана шундай саяё-ҳаракатларимиз туфайли юртимизда ёшлар билан ишлаш муҳити тубдан ўзгарди. Хусусан, билим олиш, касб-хунар эгаллаш, тил ўрганиш, иш топиш ва бизнесни бошлашда қийинчиликка учраган 1,5 миллион нафар йигит-қизнинг муаммоси “Ёшлар дафтари” орқали ҳал қилинди; алоҳида дастурлар асосида жозибдор бизнес муҳити ва имтиёзли ресурслар яратиб берганимиз ҳисобидан ёш тадбиркорлар сони 5 карра ортиб, 287 минг нафардан ошди; ўқув марказларини кўпайтириш бўйича қўлай шароит яратганимиз учун хорижий тилларни интенсив ўрганаётган ўғил-қизларимиз 3,5 миллион нафарга етди; иқтидорли ўқувчи ва талабаларимиз нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 2 минг 245 та медални қўлга киритди; тарбияси оғир ёшларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳокимларга бириктирилган иш учун икки йилда ёшлар ўртасида жиноятчилик 2,5 карра камайди.

Албатта, бу – ёшлар билан боғлиқ барча масалалар ҳал бўлди, дегани эмас. Давлат хавфсизлик хизмати (Б.Қурбонов), Ёшлар ишлари агентлиги (Қ.Абдуллоев), вазирлар, маҳаллалар уюшмаси (Қ.Қурбонов), ҳокимлар, ректорлар, техникум ва мактаб директорлари ёшларнинг муаммоси, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари бўйича тинимсиз ишлаши керак.

Бош вазир А.Арипов ҳар бир вазир, ҳоким, тармоқ ва банк раҳбари ёшлар масаласида қандай ишлаётганини қаттиқ назорат қилиб, ҳар ойда масъуллардан бу борада ҳисобот олиб боради.

Ўтган ҳафта Наманганга амалга оширган ташрифим давомида Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси раҳбари Абдурауф Жуманов энг оғир маҳаллаларда ёшлар муаммолари бўйича таҳлил маркази, “Бир ой – тўртта маҳалла” лойиҳаси, “маҳалла ўстози” тизими ва техникумларни оталиққа олиш ҳақидаги ўз ташаббуслари тўғрисида ахборот берди.

Бу ташаббуслар менга жуда маъқул. Энди ҳар бир вилоят давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси раҳбари, шаҳар ва туман ҳокимлари ёшлар билан ишлаш бўйича ўзларининг ана шундай тажрибаларини яратиши зарур. Яхши натижаларга эришган раҳбарларга йил

якунида ва келгуси йил Ёшлар куни арафасида ойлик маошига алоҳида устама ва давлат мукофотлари берамиз. Кўрсаткичлари паст, янгиликка интилмаган ҳудуд раҳбарларига нисбатан эса қаттиқ чора кўрилади.

Азиз фарзандларим!

Бир ҳақиқатни билиб олинглар, бугунги кунда давлатлар ҳудуди билан эмас – билими билан, аҳоли сони билан эмас – технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас – инсон капитали билан рақобатга киришмоқда.

Энди замонавий илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги иқтисодиёт – билимлар иқтисодиёти ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

Мен биламан, ўғил-қизларимизнинг ҳар бирида катта салоҳият, истеъдод ва иқтидор бор. Сизлар ўз даврида буюк кашфиётлари билан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг “ақл чироғи” бўлган буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларисиз.

Албатта, ворислик – бу фақат фахрланиш эмас, балки улкан масъулият ҳамдир.

Аждодларимиз инсоният тараққиёти йўлида қандай буюк ишларни амалга оширган бўлса, сизлар Янги Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган куч бўлишингиз керак.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги кунда ўзининг билими, истеъдоди, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан Янги Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади.

Кеча мана шундай ўғил-қизларимизнинг 20 нафарини “Келажак бунёдкори” медали билан, яна 28 нафарини “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги фармонни имзоладим. Ҳозир аввал мукофотларни эгаларига топшириб, кейин мулоқотни давом эттирсак.

Давлат мукофотлари соҳибларини бутун халқимиз номидан яна бир бор табриклайман. Ушбу юксак эътироф сизларни янги марралар сари етакласин! Сафингиз янада кенгайверсин!

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бу йил 472 мингдан зиёд ёшларимиз мактабни бтирди. Уларнинг 300 мингга яқини олийгоҳларда, 80 минг нафари техникумларда ўқишни давом эттиради.

Вазирлар ва ҳокимлар қолган 90 мингдан зиёд ёшларни касб-хунарли қилиш, улар ўз бизнесини бошлаши учун кўмаклашиш бўйича ҳозирдан аниқ режа ва чора-тадбирларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, бу йил олийгоҳни тугатган 324 минг битирувчидан 222 минг нафарининг иш жойи аниқ бўлди.

Ректорлар, Миллий банк (А.Мирсоатов) ва Алоқабанк (Қ.Ирисбекова), вилоят ва туман ҳокимлари корхоналар ва тадбиркорлар билан биргаликда фаол ишлаб, шу йил 1 сентябргача яна 102 минг нафар ёшга кафолатли иш жойини аниқ белгилаб бериши зарур.

Шунингдек, касб-хунарга эга бўлмаган, ўқиган бўлса ҳам ўзига мос иш топа олмаган 112 минг нафар ёшларимиз бор. Ёки дипломи бўлгани ҳолда, янги билим ва кўникма етишмагани учун 3-4 миллион сўм ойликка ишлаётган ўғил-қизларимиз 100 минг нафардан кўп.

Агар туман ҳокими, тумандаги банклар ўз ҳудудидаги бундай ёшларга озгина туртки бериб, малакасини ошириш, янги касбларга ўргатишни йўлга қўйса, уларга 10-15 миллион сўм даромад топиши учун катта имконият яратган бўлади.

Ҳозирги вақтда қанча-қанча шароитлар мавжуд, катта-катта маблағлар бeryимиз. Вазирлар, банклар, ҳокимлар озгина жон куйдириб, шу ишларни албатта қилса бўлади.

Қадриги ёшлар!

Бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанги тараққиётнинг мустақкам замини – урта энг муҳим устунга таянади. Бу – билим, касб ва технология.

(Давоми 2-саҳифада).

СИЁСАТ

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШИДА БИЛИМ, КАСБ ВА ТЕХНОЛОГИЯ ЭНГ МУҲИМ ТАЯНЧ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь куни пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бир қарашда давлатнинг оддий ижтимоий вазифасидек кўринади. Аслида эса ушбу жараён юртининг тинчлиги, иқтисодий барқарорлиги ва буюк келажагини кафолатлайдиган асосий шарт саналади.

Бугун ёшларнинг куч-ғайрати, билимга бўлган интилиши тўғри йўналтирилса, эртага ҳаммаси аъло даражада бўлади. Зеро, энди замонавий дунёда мамлакатлар ҳудудининг катталиги ёки табиий бойликлари билан эмас, балки технологиялари ва билимга бўлган муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёшлар билан мусобақалашмоқда.

Агар ёшлар масаласига, уларнинг муаммоларига бир лаҳза бўлса-да эътиборсиз бўлинса, жамиятда жиддий қийинчиликлар юзага келиши мўқар.



Ёшлар ўртасидаги ишсизлик эса қўллаб муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Давлат бу хавфни яхши англайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёшлар тақдирига бефарқ бўлишга асло йўл қўйилмайди.

Кейинги йилларда юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш бў-

йича мутлақо янги ва ўхшаши йўқ тизим яратилди. Бугун чекка қишлоқдаги йигит-қизларнинг ҳам иқтидорини юзага чиқариш, йўл очиб учун давлат зарур шароитларни яратмоқда.

Ўзбекистон ёшлари катта марралар сари ишонч билан интилмоқда. Чунки улар ҳаётда ҳеч қачон ёлғиз эмасликларини,

ортида ҳамisha суяниши мумкин бўлган қудратли давлати борлигини яхши билади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб этилган махсус кўргазмада мамлакатимизнинг фаол ва изланувчан ёшлари билан учрашди.

3-6

“ОЛТИН ҚАЛАМ” XX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорлари тақдирланди



Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот:

– “Таҳлилнома” ҳафталик информацион таҳлилий теледастури жамоаси

Энг яхши журналистик материал учун (босма нашрлар)

1-ўрин — “Jadid” газетаси таҳририяти жамоаси
2-ўрин — Усаров Олимжон Авалбаевич, журналист, Мудофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси
3-ўрин — Аминова Алёна Юсуповна, “Народное слово” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири

Энг яхши журналистик материал учун (радио)

1-ўрин — Камалова Наргиза Тоғматовна, “Ёшлар” радиоканали эшиттиришлар бўлими мудир
2-ўрин — Турсунов Санжар Ғиёсидин ўғли, “Orient DONO” радиосида муҳаррир ва бошловчи
3-ўрин — Маҳмудова Шаҳноза Солиевна, “Навоий” радиоканали информацон, ижтимоий-сиёсий, маърифий, кўнгилочар дастурлар муҳарририяти катта муҳаррири

3-6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Менинг ниятим – ҳар бир йигит-қиз ана шундай имкониятга эга бўлиб, ҳаётда муносиб ўрнини топсин. Шунинг учун ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қизнинг замонавий касбга эга бўлишини таъминлайдиган “Келажак билимлари экотизими” йўлга қўйилади.

Худудларимизда ўқув маркази қуриб, ёшларга касб ва тил ўргатаман деган йигит-қизларимиз сони кўпайиб бораётгани мени хурсанд қиляпти. Энди бу мақсадлар учун ер ва давлат объектлари имтиёзли нарҳда аукционга чиқарилади. Ёшлар тўловни беш йилда фоизсиз, бўлиб тўлайди. Инфратузилмага зарурат бўлса, давлат барпо қилиб беради. Ўқув марказини қуриш ва жиҳозлаш учун кредит ставкасининг 7 фоизи компенсация қилинади. Ёшларимиз ўқув марказларига илғор хорижий ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни олиб келса, ҳаражатининг ярмини қоплашга ҳам тайёрман.

Барча худудларда замонавий савдо ва сервис, йирик туризм комплекслари қўпайиб борапти. Улар ишга кираман деганларга катта ойлик таклиф қилади. Лекин талаби ҳам шунга яраша бўлади. Шу боис қўлида касби бўлиб, халқаро талаблар асосида янги кўникмаларни эгалламоқчи бўлган ёшларга касб ваучери беришни йўлга қўямиз. Ушбу касб ваучери фоизсиз ссуда шаклида бўлиб, бу орқали ҳар йили 50 минг нафар ёшларимизнинг замонавий касбларни ўрганиш харажатлари қоплаб берилади. Эҳтиёжманд оилалардаги 85 минг нафар ишсиз ёшларга хусусий ўқув марказида касб эгаллаши учун бепул ваучер тақдим этилади. Шу йилнинг ўзида касб ваучери ва бепул ваучер тизими учун 120 миллиард сўм ажратилади. Талаб бўлса, бу маблағни кўпайтириб борамиз.

Хорижий тилини пухта ўрганиб, юқори натижа билан сертификат олган ёшларга ҳаражатини қоплаш тизимини йўлга қўйганимиз ўзини оқлади. Энди буни халқаро касб сертифициратини олганларга ҳам татбиқ қилсак, сизларга маъқулми?

Ёшларга касб ўргатишнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтираимиз. Бунинг учун техникум очишдаги лицензия шартини соддалаштириб, 20 дан ортиқ талабни бекор қиламиз. Янги ўқув йилидан хусусий техникумларга ҳам касбга ўқитиш бўйича давлат гранти берилади.

Яна бир янгиллик – халқаро касб танловларида ғолиб бўлган давлат ва хусусий техника ўқувчилари 100 миллион сўмдан, уларни тайёрлаган устозлари 50 миллион сўмдан мукофот олади.

Бугунги кунда хорижий тилларни мукаммал биладиган ёшларимиз сони 650 мингдан ошди. Уларга буюқ тарихимиз, бош маданий меросимиз тўғрисида хорижий тилларда контент тайёрлашни ўргатсак, улар юртимизнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга катта ҳисса қўшиб, юқори даромадга ҳам эга бўлади. Шу мақсадда Рақамли контент платформасини ишга тушириб, ҳар йили 20 миллиард сўмдан ажратиб борамиз.

Ҳозирги вақтда 150 мингдан зиёд ёшларимиз хорижда таълим оляпти, илм-фан билан шуғулланмоқда. Юртимизнинг туризм ва экспорт салоҳиятини оширишда бу ёшларнинг имкониятларидан фойдаланиб, уларнинг ўзига ҳам даромад келтирадиган тизим яратамиз.

Бунда Туризм қўмитаси (А.Аққулов), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (Н.Холмуродов), 9 та саноат уюшмаси раҳбарлари 10 минг талабани туроператор, саноат корхоналари ва экспортчиларга боғлаб, уларга грант ажратади. Талабалар эса ўзи ўқийётган давлатдаги бозор, маҳсулот ва хизматларга талабни таҳлил қилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказadi.

Миллий авиакомпаниямизнинг 26 та давлатда ваколатхонаси ва аэропортларда жойи бор. Бу жойларда ҳам хорижда ўқийётган ёшларимиз учун алоҳида шaroит яратиb берамиз. Улар юртимиз салоҳиятини намойиш этадиган стендларни жойлаштириб, туристик маршрут ва маҳаллий маҳсулотларни тақдимот қилиб боради.

Олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорга ёш мутахассис учун даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бир йил давомида 1 фоиз даражасида бўлади. Бу – 200 мингга яқин олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун катта рағбатга айланади.

Умуман, ёшларга янги билим, касб ва технологияни ўргатишга камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидов, олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.Шарипов, Касбий таълим агентлиги раҳбари А.Хусанов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев, ҳокимлар масъул бўлади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий реестрга кирмаган, лекин ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат ва миграциядан, жа-

зони ўтаб қайтган, жисмоний имконияти чекланган яна 1 миллион нафар ёшларимиз бор. Уларга озгина ёрдам берилса, ҳаётда ўз ўрнини албатта топиб олади. Шу боис “Ёшлар дафтари” трансформация қилинади. Мисол учун, 38 мингдан зиёд уюшмаган ёшларга “Устоз-шогирд” анъанаси асосида касб-хунар ўргатиш, уларни ишли қилиш, бизнесини бошлашига қўмаклашиш бўйича янги тизим яратилади. Бундай ёшлар билан ишлаш бўйича “Кафолатланган биринчи қадам” пакети жорий этилади. Бунда “Устоз-талаба” дастури асосида уюшмаган ёшларни ўқитиб, олийгоҳга киришига қўмаклашган талабаларга магистратурага киришда қўшимча балл, давлат стипендияларини олишда енгиллик берилади.

Ҳозирги кунда савдо, сервис, ишлаб чиқариш соҳаларида ўз брендига эга бўлган минглаб ёшларимиз бор. Улар уюшмаган тенгдошларига бизнесни ўргатса, ўз бренди асосида ишлашга шaroит яратиb, даромад топишига қўмаклашса, жуда миннатдор бўлардим. Шу мақсадда “Ёшлар мини-франшизаси” дастурини ишга тушираимиз. Уларга фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли шартларда ер ва кредит берилади. Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жағмармасидан 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилади. Бу дастурларни молиялаштириш учун 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Ёшлар учун касб ва тил ўрганиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик бўйича ўнлаб хизматлар мавжуд. Бу хизматлардан “ағона дарча” тамойили асосида фойдаланиш учун “Ёшлар хаёлари” ташкил этилади. Ушбу тажрибани Сурхондарё вилоятидан бошлаб, бошқа худудларда ҳам босқичма-босқич оммалаштирамиз.

Ҳозирги вақтда 87 минг давлат хизматчисидан 16,5 минг нафарини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Шундан 902 нафари раҳбарлик лавозимида ишламоқда. Салоҳиятли ёшларимиз жуда кўп. Вазиp ва ҳокимлар ёшларга ишонч билдириб, масъулиятли лавозимга қўйишдан чўчимаслиги керак.

Шу мақсадда ёш лидерларни аниқлаш бўйича 5 та йўналишда “ТОП-100” дастурини амалга ошираимиз. Дастур доирасида “янги иқтисодиёт”, IT ва сунъий интеллект, таълим, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги бўйича юртимиздаги ёшлар ва чет элдаги ватандошларимиз учун очиқ танлов эълон қилинади. Ҳар икки йилда бир марта ўтadиган бу танловнинг 100 нафар ғолиби 50 миллион сўмдан мукофотланади ва раҳбарлик лавозимига тайинланади.

Яқинда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг танловида ғолиб бўлган 50 нафар иқтидорли ўғил-қизимиз ушбу ташкилотнинг дунёдаги офисларига стажировкага юборилади. Улар стажировка дастурини муваффақиятли тамомлаганидан кейин мазкур халқаро ташкилотга ишга жойлашиш имкониятига эга бўлади.

Ҳар бир вазиpлик ва тармоқ ўз йўналишида “ТОП-100” иқтидорли ёшлар дастурини бошлайди. Масалан, иқтисодиёт ва молия вазири Ж.Қўчқоров – 100 нафар молиячи ва иқтисодчи; сув хўжалиги вазири Ш.Ҳамраев – 100 нафар ёш сув инноватори; энергетика вазири Ж.Мирзасамхудов – 100 нафар ёш энергетик; қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.Ҳидоятлов, урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси Ш.Қудбиев – 100 нафар ёш қурувчи, архитектор ва урбанистни саралаб, ўз йўналишидаги халқаро ташкилотларга стажировкага юборади.

Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрацияси вазиpликлар учун йилга 2 минг нафар ёшни халқаро ташкилотларга стажировкага юбориш бўйича режани тасдиқлаб, ихросини назорат қилади.

Биз ёшлар балансида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион 300 минг нафар ёшларнинг базасини шакллантирдик. Энди уларнинг ютуқларини яхлит портфолио шаклида юридадиган электрон тизимга ўтказамиз. Бунда “Ўзбекистон ёшлар лигаси” платформаси ишга туширилади. Ўғил-қизларимиз ўз натижасини платформага киритади. Бу маълумотлар вазиpликлар томонидан ўрганилади ва ёшларга балл берилади. Юқори балл тўплаган ўғил-қизларимизга таълимда – грант, контрактга чегирма, касб ўрганишга ваучер берилади, хорижда ўқиш пули қопланади; тадбиркорликда – имтиёзли кредит олиш, акселератор дастурида қатнашиш имкони яратилади; иш жойида – хорижий стажировка ташкил этилади, давлат хизмати учун кадрлар захирасига киритилади; уй-жой олишда – имтиёзли ипотека ажратилади. Йил якунида энг юқори натижаларга эришган ёшлар тантанали равишда тақдирланади.

Умуман, “Ўзбекистон ёшлар лигаси” барча мактаб ва техникум ўқувчилари, юртимизда

ва хорижий олийгоҳларда ўқийётган ва илм-фан билан шуғулланаётган йигит-қизларимиз, давлат ва хусусий секторда ишлаётган ёшларимизни; чет элдаги ватандошларимизнинг фарзандларини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бирлаштирадиган умуммиллий ҳаракатга айланади.

Бу масалага Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари И.Сирожев, олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.Шарипов ва Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев масъул бўлади.

Ҳозирги пайтда 14 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз АҚШ, Европа, Япония, Хитой, Кореянинг етакчи олийгоҳларида таълим олмоқда. Бундай ёшлар таътилда юртимиздаги вазиpлик, ҳокимлик, давлат ва хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун шaroит яратамиз. Бунинг учун бир ойда иш бeрyвчилар ва хорижда ўқийётган талабаларни бир-бири билан боғлайдиган рақамли мулоқот платформаси ишга туширилади.

Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жағмармаси ҳисобидан ҳар йили 700 нафарга яқин ўғил-қизларимиз дунёнинг “ТОП” олийгоҳларига юборилмоқда. Биз ислохотларимизнинг илк босқичида иқтидорли ёшларимизни асосан давлат ташкилотларида ишлаб бeриш шарти билан чет элга ўқишга юбордик. Хусусий секторда ҳам бундай кадрларга эҳтиёж кундан-кунга ортиб борапти. Энди ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жағмармаси орқали хусусий сектор буюртмаси асосида ҳам нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқиши мумкин бўлади.

Ана шу масалаларнинг ижросини Бошқарув самарадорлиги агентлиги (У.Хусанов), “Эл-юрт умиди” жағмармаси (Г.Исмомова) ва Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) ташкил қилади.

Юқоридagi ташаббусларни молиялаштириш учун келгуси уч йилда 1,5 триллион сўм ажратамиз. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазиpлиги (Б.Зоҳидов) йил якунигача ушбу мақсадлар учун четдан яна 100 миллион доллар олиб келади.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Юртимизда одамларни ишли қилиб, юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилаётган энг асосий катлам бу – тадбиркорлар. Уларнинг орасида билимли ва ташаббускор ёшларимиз бор экан, бизни ҳеч ким ҳеч қачон ривожланишдан тўхтата олмайди.

Эътибор беринг, ҳозирги вақтда йиллик айланмаси 500 миллиард сўмдан ошган ёш тадбиркорларимиз сони – 15 нафарга; 100 миллиард сўмдан ошгани – 194 нафарга; 50 миллиард сўмлик маррадан ўтганлари 68 нафарга етди. Бундан 8-9 йил илгари ёшларимиз катта корхоналарга раҳбарлик қилади, миллиард-миллиард сўмлик маблағни бошқаради, деса ким ишонарди?

Бундай “ёш чемпион тадбиркорларимиз” сафи кенгайиши учун ўғил-қизларимизни янги – “Билимлар иқтисодиёти”га ўргатишимиз зарур.

Энди ёшларимизни муваффақиятли бизнес сари етаклайдиган янги тизимни йўлга қўямиз. Миллий банк ва Алоқабанкда ёшлар бизнесига масъул ўринбосар лавозимни жорий этилади ва улар Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жағмармасига ҳамраис бўлади. Банк-молия академияси ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича “ақл маркази” сифатида белгиланади. Бундан буюн академия тингловчилари худудларда ёшлар ва тадбиркорлар билан учрашади ва тайёр бизнес лойиҳаларни шакллантиради.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жағмармаси (А.Саъдуллаев, А.Мирсоатов, К.Ирисбекова) тайёр лойиҳани бизнес режаси билан қўлай шартда ёшларга таклиф қилади. Энди бу Жағмарма ёшларнинг юқори даромад келтириб, қўлаб иш ўрни яратадиган лойиҳаларига 5 миллиард сўмгача инвестиция киритади. Энг яхши лойиҳалар академия тингловчиларининг магистрлик диссертацияси сифатида қабул қилинади. Бундай лойиҳа муаллифлари худудий банк раҳбари ва ҳокимларнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосари лавозимларига энг биринчи номзод бўлади.

Ушбу тизим камида 300 минг нафар ёшларимизга ўз бизнесини бошлаши учун йўл очади. Бунинг учун Миллий банк (А.Мирсоатов) четдан 200 миллион, Алоқабанк (К.Ирисбекова) 50 миллион доллар олиб келади.

Ж.Қўчқоров, ушбу 2 та банк раҳбари, А.Саъдуллаев юқоридagi ташаббуслар орқали ёшлар тадбиркорлигини янги босқичга олиб чиқишга масъул бўлади ва йил якунида бу бўйича батафсил ҳисобот беради.

Азиз дўстлар! Биз 2030 йилгача иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишни режа қилганимиз. Бунга эришиш учун барча соҳаларга янги ғоя олиб қирадиган инновацион стартаплар керак.

Сўнгги тўққиз йилда маҳаллий стартап экотизими 15 баробар ўсиб, 4 миллиард доллардан ошди. Венчур жағмармалар сони 23 тага, уларнинг умумий капитали 200 миллион долларга етди. Утган даврда 1 минг 200 дан зиёд истикболли стартап лойиҳалар пайдо бўлди. Бу йўналишда 3 мингдан зиёд ёшларимиз юқори даромад топмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларимиз халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. “Глобал стартап индекси”да Ўзбекистон 31 боғона юқори кўтарилиб, дунёда энг тез ривожланаётган стартап экотизими, “2026 йил мамлақати” деб эълон қилингани ҳам бунинг яққол исботидир.

Ҳали бу соҳада жуда катта имкониятлар бор.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазиpлиги (Б.Зоҳидов) ёшлар стартаплари учун 5 миллион долларлик, Наманган вилояти ҳокими (Ш.Абдураззоқов)нинг 5 миллиард сўмлик венчур жағмарма очиш ҳақидаги ташаббуси менга маъқул бўлди.

Энди ҳар бир вазиp, тармоқ раҳбари ва ҳокимлар “1 мингта масалага – ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳасини ишга туширади. Бунда ҳар бир раҳбар ўз тизимидаги долзарб муаммоларни очиқ платформада жойлаштириб, энг яхши ечимлар учун мукофот эълон қилади. Бунинг учун ҳар бир вазиp ва ҳоким камида 10 миллиард сўмлик венчур жағмарма ташкил этади. Ушбу маблағлар ғолибларни мукофотлаш ва 20 тадан энг яхши стартапнинг ғоядан амалиётгача бўлган барча босқичларини молиялаштиришга сарфланади.

Ёшлар ишлари агентлиги бизнес, IT, креатив иқтисодиёт йўналишида 100 та энг яхши лойиҳани танлаб, уларга 1 миллиард сўмгача инвестиция киритади.

Биз Рақамли ҳукумат марказида биринчи суперкомпьютер кластерини ишга туширдик. Келгуси йил кластер қувватини 3 қарра ошираимиз. Жорий йил 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси ташкил этилади. Ёшларимиз тармоқ ва худуддаги масалаларга сунъий интеллект орқали ечим топишда ушбу суперкомпьютер ва лабораториядан бепул фойдаланади.

Сўнгги йилларда Тошкент, Нукус, Қарши, Термиз, Урганч, Фарғона шаҳарларида замонавий IT паркларни ишга туширдик. Утган ҳафта Янги Наманганда яна бир йирик лойиҳага шарт берилди. Андижон, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Гулистон, Чирчиқ, Нурафшон, Навоий шаҳарларида ҳам умумий майдони 100 минг квадрат метр бўлган йирик IT парклар барпо этиш бошланмоқда. Буларнинг ҳисобига 20 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз учун юқори даромадли иш ўринлари яратилади.

Бизнинг мақсадимиз аниқ – IT ва сунъий интеллект бўйича ёш лидерлар корпусини яратиш.

Бу соҳаларда энг асосий иш қуроли нима? Албатта, компьютер. Шу боис “Менинг биринчи компьютерим” дастурини бошлаб, эҳтиёжманд оилаларда 10 минг нафар ёшларга ноутбук олиш харажатининг ярми Рақамли технологияларни ривожлантириш жағмармаси ҳисобидан қоплаб берилади, қолган қисмига эса уч йилда бўлиб тўлаш шарти билан фоизсиз ссуда ажратилади.

Энди IT ва сунъий интеллект соҳалари учун кадр тайёрлайдиган олийгоҳларнинг учинчи курс талабалари IT парқда дуал таълим асосида ўқишни давом эттиради.

Бу йўналишлардаги иқтидорли талабалар учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги давлат стипендиясини жорий этсак, нима дейсизлар?

Иқтидорли қизларимиз учун муҳандислик, IT ва сунъий интеллект йўналишлари бўйича “Муҳандис қизлар” стипендиясини таъсис этамиз. Янги ўқув йилидан бошлаб тўланадиган ушбу стипендиялар хусусий олийгоҳ талабаларига ҳам берилади.

Бугунги кунда кимё, биология, физика, математика ва информатика фанлари бўйича нуфузли халқаро олимпиадалар ғолиблари 1 миллиард сўм, уларнинг устозлари 200 миллион сўм мукофот олмоқда. Энди бу рағбатлантириш механизми сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиада ғолибларига ҳам татбиқ этилади.

Икки йил олдин Хоразмда “Ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасини бошлаб, 4 мингдан ортиқ иқтидорли ўқувчиларни хорижий тил ва IT бўйича ўқитишни йўлга қўйган эдик. Рақамли технологиялар вазири Ш.Шерматов бу лойиҳани жорий йилдан вилоятлар марказлари ва Қорақалпоғистоннинг барча туманларида, келгуси йиллардан бошлаб барча туман ва шаҳарларда ишга тушириб, 50 минг нафар ёшни унга қамраб олади.

Азиз юртдошлар! Биз ёшларимизда миллий руҳни шакллантириш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат, эл-юртга ҳурмат ҳиссини сингдириш тўғрисида кўп гапираямиз. Бу – жуда долзарб масала.

Очиқ айтишимиз керак, бугунги кунда ёшларимиз асосий вақтини рақамли маконда ўтказмоқда. Биргина мисол, утган йили 84 миллион долларлик компьютер ва мобиль ўйинлар экспорт қилинди.

Рақамли технологиялар вазири Ш.Шерматов вилоят ҳокимлари билан бирга барча 15 та IT парк худудида компьютер ва мобиль ўйинлар яратувчилари учун инкубацион марказ очиб, миллий руҳдаги ўйинларни кўпайтириш бўйича янги тизимни йўлга қўяди.

Шу билан бирга, ҳар йили камида 20 та миллий руҳдаги компьютер ва мобиль ўйинлар яратиш бўйича давлат буюртмаси бериб борилади. Бунинг учун йилига 10 миллиард сўм йўналтираимиз.

Умуман, ёшларнинг IT, сунъий интеллект ва стартап лойиҳаларини амалиётга жорий қилишга Президент Администрацияси департамент бошлиғи Б.Ходжаев, рақамли технологиялар вазири Ш.Шерматов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев масъул бўлади.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Биз ёшларга яратиb бераётган имкониятлардан ҳеч бир ўғил-қизимиз четда қолмаслиги керак. Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Ш.Мирзиёева бу йил “Ватан меҳри – ижтимоий ташаббуслар” танловини ўтказиб, аҳоли муаммолари бўйича энг яхши ечим берган волонтерлар ва 50 та ижтимоий лойиҳа муаллифини тақдирлайди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Олпоёров), Ички ишлар вазиpлиги (А.Топпулатов), Мактабгача ва мактаб таълими вазиpлиги (Э.Каримова), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) ижтимоий ҳавф гуруҳидаги болаларни қўллаб-қувватлаш учун “Қанот” лойиҳасини ишга туширади. Ушбу лойиҳа бундай ёшларни ижтимоий хизматлар, таълим, спорт, музика ва санъатга йўналтириб, қайта ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Июнь ойида ўтказилган “Ёшлар ташаббуслари марафони”да ёшларимиз томонидан илм-фан, маданият, бизнес, стартап, сунъий интеллект йўналишларида лойиҳалар бўйича минглаб таклифлар илгари сурилди.

Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев бир ҳафта мuddатда “Ташаббуслар офиси”ни ташкил қилиб, ҳар бир ғояни – лойиҳага, маҳсулотга ва хизматга айлантириш бўйича ишларни бошлайди. Бунинг учун 50 миллиард сўм ажратилади.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Бугун наркотик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар аҳоли генофондида жиддий таҳдид солмоқда. Бундай жиноятларнинг учдан бири ёшлар томонидан содир этилаётгани жуда ҳавотирли. Шу боис Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантириб, бу йўлда катта куч ва воситаларни сафарбар қилияпти.

Яқинда ушбу жиноятларга нисбатан жавобгарликни кескин қучайтириш бўйича қонун қабул қилдик. Бу ёвз иллатнинг ёшларимиз орасида илдиз отишига асло йўл қўймаймиз, бу балони таг-томири билан қуритмагунча тўхтамаймиз.

Қадрли фарзандларим! Гиёҳвандлик инсонни энг қимматли бойлиги – соғлиғи, ақл-заковати, иродаси ва орзу-мақсадларидан айиради.

Унутманг, ҳаёт инсонга бир марта берилади.

Бундай иллатларга нисбатан муросасиз бўлинг, умринг ҳар бир дақиқасини эзгу ишларга сарфлаб яшан!

Азиз ота-оналар! Фарзанд оилада камол топиб, вояга етади. Унинг ёрқин келажағи учун мустаҳкам пойдеворни, энг аввало, сизлар яратасиз.

Шундай экан, кун сайин ўзгариб бораётган ўта мураккаб шaroитда фарзанд тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам эътиборли бўлайлик, бунга ҳамиша масъулият билан қарайлик!

Қадрли ўғил-қизларим! Мен сизлардаги шижоат, билимга ташналик ва янгилikka интилишни кўриб, доим рухланаман.

Сиз – азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: катта-катта марралар сари олға қадам ташланг, ўқинг, янги билим, янги касб ва замонавий технологияларни эгалланг, қийинчиликдан чўчимаг, меҳнат қилишдан, ўрганиш ва интилишдан ҳеч қачон тўхтаманг!

Шуни билингки, ортингизда сизларни катта орзу-умидлар билан вояга етказган ота-онанигиз, сизларга билим ва тарбия берган, касб ўргатган устоз ва мураббийларингиз, сизларга ишониб, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган халқимиз, Президент тоғдек таянч бўлиб турибди.

Ҳамиша йўлингиз очиқ, ниятингиз улғу, қаддингиз баланд бўлсин!

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШИДА БИЛИМ, КАСБ ВА ТЕХНОЛОГИЯ ЭНГ МУҲИМ ТАЯНЧ БЎЛАДИ

1-6 Президентимиз уларнинг маҳалла ҳаёти, экология, стартаплар, муҳандислик ва китобхонлик маданиятини юксалтириш каби соҳалардаги лойиҳалари билан танишди, лойиҳа ташаббускорлари билан шахсан мулоқот қилди.

Фарғона туманидаги Обод маҳалласи ёшлар етакчиси Исломбек Муҳаммаджонов ўз маҳалласида ташкил этган “Обод таълим” ўқув маркази орқали 600 нафар тенгдошини замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитган. У фаолиятини Германиянинг нуфузли компаниялари билан халқаро шартномалар асосида глобал бозорга олиб чиқишга эришганини сўзлаб берди. Ушбу амалий ҳаракат туфайли маҳалла ёшлар ишсизлиги ва жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантирилган.

Шунингдек, “Яшил ташаббуслар” жамғармаси координатори, “Green University” магистранти Гулриъно Мамированинг ташаббуслари эътиборга молик. Унинг экологик-иқтисодий ва “яшил” инновациялар стартапларини йўлга қўйиш борасидаги ишлари давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборини тортиди.

Рантасивир танловда “Энг оригинал ғоя” номинацияси ғолиби Одинахон Маъмуржонованинг ижодий интилишлари, жисмоний имконияти чекланганига қарамай, уйда таълим олаётган болалар учун “Ўқи ва юксал” лойиҳасини амалга ошириб келаётган Чинора Ғуломованинг матонати Президентимиз томонидан юқори баҳоланди. Уларнинг жамиятдаги инклюзив муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини тизимли қўллаб-қувватлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Кўрғазманинг стартаплар, тадбиркорлик ва касб-хунар майдонида ёшларимизнинг халқаро миқёсда рақобатлаша оладиган интеллектуал салоҳияти намойиш этилди.

Президент мактаби битирувчиси, Чикаго университети талабаси Асилбек Ашуров ўн сакиз ёшида “Makop AI” стартапини таъсис этиб, сунъий интеллектга асосланган SAT/AP тестларига тайёргарлик платформасини яратди. Бугунги кунда стартапи AQШ ҳамда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасида 100 мингдан ортиқ мижоз ва инвесторлардан 380 минг доллар сармоа жалб этгани, лойиҳа қиймати 3 миллион долларга баҳоланганини маълум қилди.

Дунёнинг етакчи акселератори саналган “Y Combinator” дастурининг биринчи ўзбек иштирокчиси Сардорбек Раҳматуллоевнинг AQШда йиллик даромади кўп минг долларлик стартапга асос солгани ва “Meta Superintelligence” компаниясида ортирган тажрибаси ҳам миллий стартап экотизимимизнинг ютуғи сифатида эътироф этилди.

Президентимиз бу каби юқори технологияли лойиҳаларни мамлакатимизда кенг жорий этиш ва ёш тадбиркорларга хорижий бозорларга чиқишда қўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади.

Муҳандислик ва инновация соҳасидаги тақдимотлар доирасида талабаларнинг сунъий интеллект ҳамда робототехника йўналишидаги муваффақиятлари кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси, дронлар пойгаси бўйича мамлакат чемпиони Билюлиддин Исмоилов маҳаллий антидрон тизимларини яратиш ва такомиллаштиришда иштирок этаётганини маълум қилди.

Нукус давлат техника университети талабаси, Нукус ёшлар технопарки резиденти Айзада Асанованинг “Янги авлод автомобиллари” йўналишидаги муваффақиятли лойиҳаси эса ҳудудларда ҳам муҳандислик мактаблари жадал ривожлантирилганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари ушбу инновацион ишланмаларни турли тармоқларда жорий этиш зарурлигини қайд этди.

Навқирон авлодининг маданий-маърифий соҳадаги ва китобхонлик маданиятини юксалтириш йўналишидаги ютуқлари ҳам учрашувнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Халқаро гўзаллик ва санъат танловлари совриндори Нигина Фахриддинова ҳамда ёш муסיқачи Амина Авазованинг ютуқлари миллий маданиятимизнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, аҳоли орасида китобхонлиқни кенг ёйишга қаратилган рақамли лойиҳалар намойиш этилди. “Муголаа” лойиҳаси раҳбари Сирожиiddин Олимов яратган мобилъ илова қарийб 5 миллион марта юклаб олингани ва унда ўқилаётган китоблар сонин 18 миллиондан ошганини таъкидлади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Нилуфар Эргашева “Яшил сўз” китоби муаллифи, “Сўз” лойиҳаси иштирокчиси. У Ўзбекистоннинг адабий харитасини яратиш орқали адабий туризмин ривожлантириш ҳамда “Бурхониддин Марғионий” илмий-маърифий ва туризм мажмуасида ўзбек ижодкорларининг йирик назм ва наво кечаси, шеърин оқшомлар каби оммавий бадий концерт дастурларини ташкил этиш тақлифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан бўлиб ўтган самимий мулоқотда улар томонидан илгари сурилган истиқболли лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалдаи юртимиздаги барча йигит-қизларни байрам билан самимий табриклади.

– Биз ислохотларимизнинг илк кунларидан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқаришга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олганмиз, – деди Президентимиз.

Сўнгги йилларда бу борада мутлақо янги тизим яратилди. Ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилиги фаолияти йўлга қўйилди, йигит-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлиги, таълими, касб-хунар эгаллаши ва тадбиркорлик бошлаши учун кенг имкониятларни очилди. Ҳар ҳафтининг пайшанба куни “Ёшлар куни” этиб белгиланиб, вазирлик ва идоралар ёшлар муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга сафарбар этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллион нафар ёшнинг муаммоси ҳал қилинди. Ёш тадбиркорлар сонин 5 карра кўпайиб, 287 мингдан ошди. Хорижий тилларни интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сонин 3,5 миллион нафарга етди. Иқтидорли ўқувчи ва талабалар нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчилар халқаро мусобақаларда 2 минг 245 та медални қўлга киритди.

Давлатимиз раҳбари бугунги глобал рақобат шароитида мамлакатларнинг устунлиги, аввало, билим, технология ва инсон капитали билан белгиланаётганига эътибор қаратди.

– Билинглар, энди давлатлар ҳудуди билан эмас – билими билан, аҳоли сонин билан эмас – технологияси билан, табиий бойликларин билан эмас – инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги иқтисодиёт – билимлар иқтисодиёти ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга даъват этди.

Учрашувда Президентимиз Ўзбекистон миллий терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги иштирокига ҳам тўхтади. Футболчиларимиз кучли рақиблар билан ўйинлар орқали катта тажриба ортиргани, Аббос Файзуллаев ва Элдор Шомуродовнинг жаҳон чемпионатидаги илк голлари халқимизга кувонч бағишлагани таъкидланди.

– Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзоларига ортиқча ҳис-туйғу билан эътироз билдириш, улардан айб қидириш халқимизга хос иш эмас. Аксинча, бугун уларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим, – деди Президентимиз.

Катта ғалабалар ҳали олдинда экани, бунинг учун болалар футболига эътибор кучайтирилиб, футбол умуммиллий ҳаракатга айлантирилиши, келаси йил январь ойида Саудия Арабистонида ўтадиган Осиё кубогига тайёргарлик ҳозирдан бошланиши қайд этилди.

Президентимиз ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши учун билим, касб ва технологияни энг муҳим таянч сифатида кўрсатди.

Шу мақсадда ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қизни замонавий касбга ўқитишга қаратилган “Келажак билимлари экотизими” йўлга қўйилади. Ўқув марказлари ташкил этиш истагидаги ёшларга ер ва давлат объектлари имтиёзли шартларда берилади, зарур инфратузилма давлат ҳисобида яратилади, марказларни қуриш ва жиҳозлаш учун кредит ставкаси компенсация қилинади.

Қўлида касби бор, лекин янги қўникмаларни эгалламоқчи бўлган ёшлар учун “касб ваучери” жорий этилади. Ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг замонавий касбларни ўрганиш харажатлари фоизсиз ссуда ҳисобидан қопланади. Эҳтиёжманд оилалардаги 85 минг нафар ишсиз ёшга хусусий ўқув марказларида касб эгаллаши учун бепул ваучер берилади. Шу йилнинг ўзида бу тизим учун 120 миллиард сўм ажратилади.

Техникумларда хусусий сектор иштироки кенгайтирилиб, лицензия талаблари соддалаштирилади. Янги ўқув йилидан хусусий техникумларга ҳам касбга ўқитиш бўйича давлат гранти ажратилади. Халқаро касб танловлари ғолиблари ва уларнинг устозлари пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Хорижий тилларни мукаммал биладиган 650 мингдан зиёд ёшлар салоҳиятидан мамлакатимизнинг бой тарихи, маданий мероси, туризм ва экспорт имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилишда фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Шу мақсадда Рақамли контент платформаси ишга туширилиб, ҳар йили 20 миллиард сўмдан ажратилади.

Хорижда таълим олаётган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳам янги тизим яратилади. Етакчи хорижий олийгоҳларда ўқибётган 14 мингдан ортиқ йигит-қиз таътил даврида юртимиздаги вазирлик, ҳокимлик, давлат ва хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун рақамли мулоқот платформаси ишга туширилади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали ёшларни хусусий сектор буюртмаси асосида ҳам нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқитиш имконияти яратилади.

Президентимиз олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун ёш мутахассисга нисбатан даромад ва ижтимоий солиқ бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланишини эълон қилди. Бу 200 мингга яқин битирувчини ишга жойлаштириш учун муҳим рағбат бўлади.

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат, миграция ва жазони ўтаб қайтган, жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Қафолатланган биринчи қадам” пакети жорий этилади. “Устоз – талаба” дастури асосида уюшмаган ёшларга қўмаклашган талабалар ҳам рағбатлантирилади.

Шунингдек, “Ёшлар мини-франшизаси” дастури ишга туширилади. Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлиги жамғармасидан 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилади. Бу дастурлар учун 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Ёшлар учун касб ва тип ўрганиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик бўйича хизматлардан “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланиш имконини берадиган “Ёшлар хаблари” ташкил этилади. Ушбу тажриба Сурхондарёдан бошланиб, босқимча-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Давлат бошқарувида ёшларга ишончини кучайтириш мақсадида 5 та йўналишда “ТОП-100” дастури амалга оширилади. Ғолиблар мукофотланиб, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилади. Ҳар бир вазирлик ва тармоқ ўз йўналишида иқтидорли ёшларни танлаб, халқаро ташкилотларга стажировкага юборади. Йилига 2 минг нафар ёшни шундай стажировкаларга юбориш режаси ишлаб чиқилиди.

Ёшларни рағбатлантириш ва ягона мақсад атрофида бириштириш учун “Ўзбекистон ёшлар лигаси” платформаси ишга туширилади. Унда ёшларнинг таълим, касб, тадбиркорлик, илм-фан ва жамоатчилик фаолиятидаги натижалари баҳоланади. Юқори натижага эришганларга грант, контрактга чегирма, касб ваучери, имтиёзли кредит, хорижий стажировка, кадрлар заҳирасига кириш ва ипотека бўйича имкониятлар берилади.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда Банк-молия академияси “ақл маркази” сифатида белгиланади. Академия тингловчилари ҳудудларда тайёр бизнес лойиҳаларни шакллантиради, Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси эса уларни кўлай шартларда ёшларга тақлиф қилади. Жамғарма юқори даромад ва қўллаб иш ўринлари яратадиган лойиҳаларга 500 миллиард сўмгача инвестиция киритади. Бу тизим ҳамда 300 минг нафар ёшга ўз бизнесини бошлаш учун йўл очади.

Инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам янги вазифалар белгиланди.

– Биз 2030 йилгача иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишни режа қилганмиз. Бунга эришиш учун

барча соҳаларга янги ғоя олиб кирадиган инновацион стартаплар керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги тўққиз йилда маҳаллий стартап экотизими 15 баробар ўсиб, 4 миллиард доллардан ошгани, 1 минг 200 дан зиёд истиқболли стартап лойиҳалар пайдо бўлгани қайд этилди. Энди ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳоким “1 мингта масалага – ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳасини ишга туширади. Ёшлар ишлари агентлиги бизнес, ахборот технологиялари ва креатив иқтисодиёт йўналишидаги 100 та энг яхши лойиҳага 1 миллиард сўмгача инвестиция киритади.

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳасида ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратилади. Рақамли ҳукумат марказида биринчи суперкомпьютер кластери ишга туширилди, келгуси йил унинг қуввати 3 карра оширилади. Жорий йилда 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилади. Ёшлар ушбу имкониятлардан бепул фойдаланиб, ҳудуд ва тармоқлардаги муаммоларга ечимлар ишлаб чиқади.

Янги IT парклар барпо этилиши ҳисобидан 20 мингдан зиёд йигит-қиз учун юқори даромадли иш ўринлари яратилади. “Менинг биринчи компьютерим” дастури орқали эҳтиёжманд оилалардаги 10 минг нафар ёшга ноутбук хариди учун ёрдам кўрсатилади.

IT ва сунъий интеллект йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун “дуал таълим” кенгайтирилади. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги давлат стипендияси ҳамда иқтидорли қизлар учун “Муҳандис қизлар” стипендияси таъсис этилади. Халқаро олимпиадалар ғолибларига берилаётган 1 миллиард сўмлик рағбат сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиада ғолибларига ҳам таъбиқ қилинади.

Ёшлар қалбида миллий руҳни мустаҳкамлаш, рақамли маконда миллий контентни кўпайтириш мақсадида IT паркларда компьютер ва мобилъ ўйинлар яратувчилари учун инкубацион марказлар очилади. Ҳар йили миллий руждаги камида 20 та компьютер ва мобилъ ўйин яратиш бўйича давлат буюртмаси берилади.

– Биз ёшларга яратиб бераётган имкониятлардан ҳеч бир ўғил-қизимиз четда қолмаслиги керак, – деди Президентимиз.

Шу мақсадда “Ватан меҳри – ижтимоий ташаббуслар” танлови, ижтимоий хавф гуруҳидаги болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Қанот” лойиҳаси йўлга қўйилади. “Ёшлар ташаббуслари марафони”да илгари сурилган ғояларни амалий лойиҳага айлантириш учун “Ташаббуслар офиси” ташкил этилади ва бу ишларга 50 миллиард сўм ажратилади.

Учрашувда гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар ёшлар келажаги ва миллат генофондига катта таҳдид солаётгани ҳам қайд этилди.

– Бу иллатнинг ёшларимиз орасида илдиз отишига асло йўл қўймаймиз, бу балони таг-томири билан қуритмагунча тўхтамаймиз. Гиёҳвандлик инсоннинг энг қимматли бойлиги – соғлиги, ақл-иродаси, орзу-мақсадларидан айиради. Унутманг, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Бундай иллатларга нисбатан муросасиз бўлиш, умрнинг ҳар бир дақиқасини эзгу ишларга сарфланг, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз ота-оналарга ҳам мурожаат қилиб, фарзанднинг камол топиши, унинг ёрқин келажаги учун мустаҳкам пойдевор, энг аввало, оилада яратилишини таъкидлади. Ота-оналарни бугунги тез ўзгариб бораётган мураккаб шароитда фарзанд тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам эътиборли ва масъулиятли бўлишга чакирди.

Учрашувда ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Улар ўз тақлиф ва ташаббусларини билдирди. Давлатимиз раҳбари мулоқот якунида йигит-қизларни катта марралар сари дадил интилишга, билим, касб ва замонавий технологияларни пухта эгаллашга даъват этди.

– Мен сизлардаги шижоат, билимга ташналик ва янгиллик интилишини кўриб, доим руҳланаман. Катта-катта марралар сари олға қадам ташланг, ўқинг, янги билим, янги касб ва замонавий технологияларни эгалланг, қийинчиликдан қўчимаг, меҳнат қилишдан, ўрганиш ва интилишдан ҳеч қачон тўхтаманг!

Шуни билингки, ортингизда сизларни катта орзу-умидлар билан вояга етказган ота-онангиз, сизларга билим ва тарбия берган, касб ўргатган устоз ва мураббийларингиз, сизларга ишониб, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган халқимиз, Президент тоғдек таянч бўлиб турибди! – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июндаги фармони ва қарорига мувофиқ, ўз билими, истеъдоди, ташаббускорлиги ҳамда фидойилиги билан Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ва “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

30 июнь – Ёшлар куниди Тошкентдаги Олимпия шаҳарчасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз ёшларининг ҳар бирини катта салоҳият, истеъдод ва иқтидор борлигини қайд этди. – Сизлар ўз даврида буюк кашфиётлари билан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг “ақл чироғи” бўлган буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларисиз. Албатта, ворислик фақат фахрланиш эмас, ворислик бу улкан масъулият ҳамдир!

Аждодларимиз инсоният тараққиёти учун қандай буюк ишлар қилган бўлса, сизлар Янги Ўзбекистонда янги уйғомиш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган куч бўлишингиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президентимиз ёшларга давлат мукофотларини топширди.

– Бутун халқимиз номидан бугунги давлат мукофотлари соҳибларини яна бир бор табриклайман. Мазкур юксак эътироф сизларни янги марралар сари етакласин, сафингиз янада кенгайверсин, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Мукофотланган ёшлар давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, бундан бўён ҳам ўз билими, меҳнати ва ташаббуслари билан Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўишга тайёр эканини таъкидлади.

Шу кун Олимпия шаҳарчасида Ёшлар куни муносабати билан концерт дастури ташкил этилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

“ОЛТИН ҚАЛАМ”

XX Миллий мукофоти учун
халқаро танлов ғолиблари ва
совриндорлари тақдирланди

1-6

Энг яхши журналистик
материал учун (телевидение)

1-ўрин – **Зиятов Ахроржон Хабибуллаевич**, “Рухсор” телеканали мухбири
2-ўрин – **Нурматова Умидахон Ахроржон қизи**, ўзбек ва инглиз тилларида эфирга узатилувчи “Сафар” телелойиҳаси муаллифи
3-ўрин – **Ҳасанов Оллоёрхон Сайфуллохон ўғли**, “Ренессанс” телеканали мухбири

Энг яхши журналистик
материал учун (интернет
нашрлари)

1-ўрин – **Каримов Бобуржон Муроджон ўғли**, “Anhor.uz” интернет наشري бош муҳаррир ўринбосари
2-ўрин – **Турсунов Жавоҳирбек Мамасодиқ ўғли**, “Zamon.uz” сайти жамоаси — бош муҳаррир ўринбосари
3-ўрин – **Каримова Мафтуна Муҳаммадсардор қизи**, “Ishonch.uz” интернет наشري муҳаррири

Чет эллик журналистнинг
Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши
материали учун

1-ўрин – **Роберт Францев** — Бутунроссия телевизион ва радиоузатув давлат компаниясининг (ВГТРК) Марказий Осиё минтақавий бўлими раҳбари
2-ўрин – **Виктор Готевбе** — “Diplomatic Watch” наشري бош муҳаррири
2-ўрин – **Туланбой Қурбонов** — “Kabar” миллий ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги кўп йиллик мухбири, таниқли журналист ва таржимон
2-ўрин – **Дидье Лабуш** — “Georama” наشريёти асосчиси ва директори, Ўзбекистон ҳақидаги қатор мақолалар ва китоблар муаллифи
2-ўрин – **Муҳаммад Аббос Хон** — “Daily Ittehad” газетасининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё бўйича махсус мухбири

Рағбатлантирувчи мукофотлар
учун номинациялар ғолиблари

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш ислохотлари ёритилган энг яхши материаллар учун”:

– **“Маҳалла”** газетаси тахририяти ижодий жамоаси

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни тарғиб қилувчи энг яхши материаллар учун”:

– **Боборовшан Ғозитдинов** — “Янги Ўзбекистон” газетасида бўлим муҳаррири

“Давлат тилини ривожлантириш ва нуфузини янада оширишга бағишланган энг яхши материаллар учун”:

– **Исомиддинов Зухриддин Низомиддинович** — фак-рий журналист

“Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ислохотлардаги иштироки ёритилган энг яхши материаллар учун”:

– **Орипова Феруза Раимжоновна** — Ўзбекистон хотин-қизларининг “Саодат” журналин маъсۇл котибин

“Ёшларга оид давлат сиёсати ёритилган энг яхши материаллар учун”:

– **“Миллий тикланиш”** газетаси тахририяти жамоаси

Жамиятдаги долзарб мавзуларга бағишланган энг яхши танқидий-таҳлилий материаллар учун”:

– **Рўзимбой Ҳасанов** — “XXI” ижтимоий-сиёсий газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири

“Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун”:

– **Шукуров Эшқокил Жўраевич** — “Маънавий ҳаёт” журналин бош муҳаррири

“Спорт соҳасидаги ислохотларнинг натижалари ёритилган энг яхши материаллар учун”:

– **Толипжоновна Шафоат Манаповна** — “Спорт” телеканалининг “Ахборот-таҳлилий дастурлар” муҳарририяти катта муҳаррири

“Фўқаролик жамияти институтлари фаолиятига бағишланган энг яхши материаллар учун”:

– **Ғаффорова Дурдона Қобилжон қизи** — “Навбахор” газетаси бош муҳаррири

“Энг яхши фоторепортаж учун”:

– **Мамадаминов Алмурат Маматкулович** (**Муҳаммад Амин**) — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фотоахборот тахририяти фотомухбири

“Умуммиллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган энг яхши материаллар учун”:

ХОТИРА

Юракларни ёритган кал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар ОСТОНОВни ёд этиб

Тоғларда ажиб буюклик бор. Тоғларда метин салобат бор. Ундан қанча узоклашсангиз, шунчалик улуғворлигини ҳис қиласиз, кўз олдингизда бор бўйи билан намоён бўлади. Булултари-да пастда қолдириб, осмон қадар юксалиб кетган тоғ чўққилари матонат тимсоли янглиғ кўнгилга ҳазин сокинлик бахш этади. Тоғлар ортингиздан келаётгандек бўлади гўё. Тоғ бағрига қайтиб боргингиз, у билан юзма-юз бўлгингиз, дардлашгингиз келади. Лекин бунинг иложи йўқ. Сиз қанчалик олисласангиз, масофалар тобора узоклашгани сайин тоғлар ҳам шунчалик юксалиб, буюклик касб этиб бораверади.

Ўзбекистон матбуотининг етакчи дарғаларидан бири, катта-кичик учун бирдек қадрдон бўлган Сафар Остонов матбуотдаги шижоатли чиқишлари билан эл оғзига тушган журналист эди. “Сафар ака билан кечанига учрашган эдик”, деган гапларга ҳам беш йил бўлибди... Беш йилдирки, Сафар Остонов чўққилари музаффар самога туташиб кетган тоғлар каби биздан тобора узоклашиб борапти, масофалар тобора олислаб борапти.

Тарихи бир аср билан пайваста бўлган “Ўзбекистон овози” газетаси не-не улуг инсонлар, ижодкорлар қаторида, таъбир жоиз бўлса, Сафар ака учун ҳам муқаддас саждагоҳ каби азиз эди. У ҳақиқий матбуот фидойиси, ўз касбияда садоқатли инсон сифатида ҳар куни ярим тунгача навбатчи ходимлар билан бир сафда туриб, то газета чоп қилингунга қадар уйига қайтишни ўйламасди. Вақтни тоғтоғлар қилиб кетарди, яна эрта тонгдан тахририятда пайдо бўларди.

Газета ходимларининг ойлик маошлари, очигини айтиш керак, баъзи бир тахририятларга қараганда “Ўзбекистон овози”да бир қадар паст эди. Сафар ака буни яшириб ўтирмасди ҳам. “Ким бу муқаддас даргоҳга катта ойлик маош олиш умидида ишга келган бўлса, унга жавоб, бошқа жойдан иш топаверсин. Бу газета ўзбек журналистикасининг юз йиллик мактаби. Газетанинг шаъни, унинг тарихи биздан фидойилик билан ишлашни талаб этади. Жуда улуг, бағрикенг журналистлар ишлаган бу даргоҳда. Уларнинг руҳи бизни кўллаб туради. Ана шу устозларга муносиб издош бўлишимиз, шаънинимиз доғ туширмаслигимиз керак”, — дерди у.

Истиклолга эришилгандан сўнг “Совет Ўзбекистони” газетаси “Ўзбекистон овози” сифатида ХДПнинг бош наشريга айланди.

Шундай бир шариоатда Сафар Остонов “Ўзбекистон овози” газетасига бош муҳаррир бўлиб келди ва унинг адабини ошириш масаласи кун тартибига чиқди. У ўз атрофида иқтидорли журналистларни тўплади, газета саҳифалари


рида ислохотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида таҳлилий-танқидий мақолалар чоп этилди. Табиийки, “Ўзбекистон овози” дадиллик билан кўтариб чиққан муаммолар “юқори”гача етиб борар, унинг сўрови эса хизмат курсисини эгаллаб турган, яъни танқид остига олинган амалдорга қатъий чора кўрилиши билан якунланарди. Газетанинг ҳар бир сони кўлма-кўл бўлиб кетарди, уни тополмай, излаб юрганлар қанча эди. Ана шу тарика “Ўзбекистон овози”нинг адади анча-мунча кўтарилди.

...Тахририятнинг ҳашаматли кутубхонасида ҳар ҳафта душанба куни ййғилиш ўтказиларди. Газета шарҳи, чоп этилган мақолалар савияси ва ҳоказолар муҳокама қилинарди. Менга навбат келганида жамоа кулгига мойил бўлиб турарди. “Миянгда иллат бўлса, гапингда маъно бўлмайди”, деганларидай, яхши гапириб турганимда, оғзимдан “лоп” этиб энсани қотирадиган ёки кулги қистайдиган гап-сўз чиқиб кетарди кўпинча. Масалан, “Ўзбекистон овози” газетаси ҳар бир сонининг 4-саҳифаси пастига тижорат бўйича бир олғир мухбирнинг реклама ўрнидаги рангли тракторлари жойлашарди. Мен газетани шарҳлар эканман, ҳар сафар тракторлар жуда чиroyли чиққанини кистириб ўтаман. Ҳамма кулади. “Майнавозчилик қилманг!” дерди Сафар Остонов ва ўзи ҳам кўшилиб кулиб юборарди.

Бир гал тахририят ййғилишига Сафар аканинг келишини кутиб ўтириш асносида ходимлар кутубхона деворига икки қатор қилиб илиб қўйилган ўтган юз йиллик даврда ишлаган газета бош муҳаррирлари суратларини кўздан кечира бошлашди. Буни қарангки, энг охиридаги суратнинг паст томони бўш экан. “Битта жой бўш турган экан”, деганимни биламан, ҳамма менга ялт этиб ёмон қаради. Нима гуноҳ қилганимни билмайман, лекин бу гапларим ўша пайтлари бош муҳаррирга етгани аниқ. Сафар ака ҳазилни яхши тушунар ва ўзи ҳам фавқуллодда яхшигина ҳазил-хузул қилиб кўярди. Шунинг учун бундай тузсиз гапларимга ортиқча эътибор бермасди...

Бир куни Сафар ака мени хонасига қақириб қолди. Қўлимга “Ўзбекистон овози” газетаси жамоаси номидан “юқорига” ёзилган хатни тутқазди. Унда бир асрлик тарихга эга бўлган бу отахон газета ҳамма вақт ҳукумат наشري сифатида фаолият юритиб келгани, шунинг учун унинг муассислигини қайтадан ўз ўзанига қайтариш ҳақида сўз борарди.

— “Мана, тахририят жамоаси нима билан шуғулланапти”, дейишди менга. Олиб қўйинг, тарих учун керак бўлади. Энг қизиғи, бу хатни ким ёзганини ҳам, ёзган одамнинг ҳақиқини ҳам биламан. Юз йиллик тарихимизнинг ўзига хос солномаси. Мустабид шўро тузumi — ке-



чаги кунимиз. Ёмон деб бурунни кесиб ташламайсан-ку! Қачон, қайси замон ва маконда бўлмасин, газета миллат манфаати учун курашган, миллийлигини сақлаб қолган. Тахририятда ишлаган устоз журналистлар ҳар битта ҳарф учун кўз нурини тўккан, умрини бахш этган, — деди у маҳзун оҳангда.

...Сафар аканинг отаси Остон чавандоз елкаси ерга тегмаган полвон бўлган. Давралардан улқоки олиб чиқишда унга тенг келадигани бўлмаган. Асли келиб қишқи Ургут туманидан бўлган Остон чавандоз оиласи билан Самарқанд туманига қарашли Оҳалик қишлоғида, Илсоний маҳалласида яшаган. Қирчиллама 50 ёшида ичтерлама касаллигидан вафот этган. Ургут туманининг Севаз қишлоғи қабристонига дафн этилган.

...Сафар ака — шу полвон кишининг ўғли, ким ҳузурига ёрдам сўраб келса, бегона одам бўлса ҳам ҳамма ишларини ташлаб, унинг муаммоси билан шуғулланиб кетарди. Эсимда, бир куни тушлик пайтида менга: “Юринг, бир

жойга бориб келамиз”, деб қолди. Ҳозирги “Tashkent City” ҳудуди ўрнида бўлган, Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар” романида тилга олинган машҳур ўқчи кўчасига бордик. Тахминан бундан юз йиллар олдин бир бойнинг ҳовлиси бўлган экан, шекилли, уйнинг ўймакор эшиклари тўқилай деб турар, бир пайтлар ҳашаматли бўлган хоналар чўкиб қолганди. Мен машинада кутиб турмоқчи эдим, Сафар ака қўярда-қўймай ичкарига суради. Бири кексароқ, бири ёшроқ аёл бизни кутиб олди, уларнинг ёнида бир бола ўйнаб юрибди. Уларнинг гап-сўзидан хоразмлик эканини “кашф” қилдим. Ош тайёр экан, сузиб келинди.

Уларнинг ўзаро суҳбатидан шуни тушуниб етдимки, аёлга кўп қаватли уйлاردан хонадон берилган, лекин баъзи бир муаммолар сабабли масала ҳал бўлмагпти экан. Сафар ака аёлнинг гапларини тинглаб туриб, бир нима-ларни ёзиб олди, масала ҳал бўлганидан кейин ўзи кўнгироқ қилишини билдирди...

Эшитишимча, Сафар ака билан кўп йиллар

Шунда Сафар ака табассум билан жавоб берган экан: “Бу “мошенник”ларнинг устунлик томони шундаки, улар қурбонни, яъни “жерт-ва”ни танлашда адашмайди. Шундай чиroyли, кўнгилга ёқадиган гапларни гапиришади, эшитиб маза қиламан. Баъзи бир ишларини биттириб беришга мажбур бўламан. Алданаётганимни сезиб, билиб турсам ҳам, гапларига лаққа ишонавераман. Уларга айнан шундай одам керак. Шунинг учун доим атрофимда гирдикапалак бўлиб юришади”.

Сафар Остоновнинг умри зулматни ёритган чамқоқдай порлаб поёнига етди. Лекин ундан фарзандлар, жамият муаммолари қаламга олинган танқидий-таҳлилий мақолалар, якунланмаган беҳисоб қораламалар, мавзулар қолди. Вафотидан кейин “Умид билан яшагин” деб номланган каттагина китоби нашр этилди. Бунинг учун унинг дўстлари чин дилдан ҳаракат қилишди. Хусусан, таникли публицист Норқобил Жалил китобини нашрга тайёрлашда анча заҳмат çekди.

Сафар ака ҳеч қачон юқори мансабга интилмади, увнов ёки катта мукофотлар тама қилмади. Аммо масъул вазифаларда ишлаш на-сиб қилди. Энг муҳими, ҳар қандай минбарда ўз сўзини айта олди, ўз номини, ўз эркини, иймонини ҳар нарсадан устун қўйди. Халқ юрагидаги дардини топиб ёздадиган, эл-эрт эхтиромига сазовор бўлган журналист эди.

Нуруллох ОСТОНОВ.

МУШОҲАДА

Жамият ҳаётининг ўзати, одамзод ҳаётининг давом этишидаги йўл оила, эр-хотинлик никоҳи воситасида барпо бўлади. Ўз навбатида никоҳ ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англатиб турувчи муқаддаслик касб этади. Оила, яъни никоҳ масаласи ҳаёт тарзимизнинг муҳим устуни. Шу сабабли никоҳ масаласига жиддий равишда қарашимиз талаб этилади.

Сўнгги йилларда ёш оилаларнинг ажралиши натижасида тирик етим қолаётган болалар ва улар тарбиясидаги нуқсонлар жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга сабаб — ёшларнинг никоҳ илмидан беҳабарлигидир. Устозларнинг таъкидлашича, янги оила қураётган йигит-қизларгина эмас, аввало, уларнинг ота-оналари ҳам бу масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур билишлари муҳимдир. Негаки, катталарнинг шу илмни билмаслиги оқибатида, афсуски, келин бўладиган қиз ва кўёв бўладиган ўғилнинг кўнгил истаклари биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Енгил-елпи орзу-ҳаваслар ҳам тўйларнинг дабдабали ўтишига катта йўл очиб беради. Ота-оналар фарзанд бахти учун ташвиш қилар экан, энг аввало, уларга оиланинг муқаддаслигини англатиши, тушунтириши лозим. Мабоодо ўзларига етарлича илм бўлмаса, маҳалладаги оқсоқолларга қулоқ тутиши, масжид имомидан маслаҳат сўраши зарур бўлади. Нима қилиб бўлса ҳам, ёшларни илм воситаси билан никоҳга тайёрлаш лозим.

Табиийки, ҳар бир ота-она “болам тенгдошлари олдига ўқимасин” деган ақидда билан катта-катта харажатлар қилишга тайёр, аммо асл оиланинг пойдевори бўлган никоҳ шартлари ҳақида аксарияти мутлақо тушунчага эга эмас. Никоҳ ўқиш жараёнида ўзимиз гувоҳ бўлаётган ҳолатларга ачина-сана киши. Ёшлар у ёқда турсин, ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борадаги маълумотлардан хабарсиз бўлиб қиқ-

НИКОҲ
ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ,
ЛЕКИН...

моқда. Ҳурматли ота-оналар, беҳисоб харажатли тўй-томошалар билангина фарзандларимизни бир умрлик бахтга эриштириш мумкин эмаслигини тушуниб етайлик!

Сир эмаски, арзимас келишмовчиликлар туфайли ёш оилаларнинг бўзилиб кетаётгани ачинарли ҳолдир. Бу кўнгилсиз ҳолатларнинг содир бўлаётгани, мушохода қилиб қўрилса, минг йиллар мобайнида оилани муқаддас билиб келган аждодларимиз хотираси олдида ҳурматсизликдек туюлади. Ахир бизнинг юртда оилавий ажримлар ҳеч иложсиз ҳоллардагина рўй берганига гувоҳ бўлганмиз. Буни катта ёшдагиларимиз яхши билишади. Оила бузилиши ҳатто маҳалла шаънига ҳам иснод ҳисобланган. Бир аср давомида унутилган ўзимизга хос оилавий турмуш таомилларини ва маҳаллаларимиздаги бу каби чиройли, яхшиликка бошловчи анъаналаримизни ўз ўрнига қайтарайлик. Бундан, аввало, ўзимизга, қолаверса,

Эътибор қилинг-а, оила қуриш шарти — гувоҳлар воситасида Аллоҳ таоло ҳузурда никоҳ дафтарига имзо қўйиш ҳамда тил билан иқдор бўлишдир. Содда қилиб тушунтирадиган

бўлсак, йигит ва қиз бир-бирини Аллоҳ таолонинг омонати сифатида қабул қилади ва бағишлайди. Оилани бир кўрғон десак, йигит шу кўрғон ҳимоячиси, қиз эса кўрғон ичидаги барча нарсанинг асрагувчиси вазифасини ўз гарданига олмақда. Ана диққат қилайликки, ҳар икки тараф муқаддас оилани яратмиш юзасидан гувоҳлар кўз олдида никоҳ шартномасини тузишади. Ана шундай улуг бир келишувга нисбатан масъулиятсиз ва белисанд муносабатда бўлиш асло ярамайди. Модомики шундай экан, айнан никоҳ масаласида устозларимизнинг ўғит ва насиҳатларига мурожаат қилиш энг мақбул ечим бўлади. Оила муқаддас, шу оила боши бўлган эр хурматга лойиқ, шу оиланинг иккинчи бир аъзоси бўлган рафика — оналар беғи остида эса жаннат дейилган. Оилада тотувлик ва иззат-иқром бўлишининг ўзи бу дунёда бахтли яшашга сабаб бўлади. Бундай оилада тарбия топган фарзанд ҳам жамиятда, ҳам оилада хотиржам муҳитда касб-кор қилади, кўни-кўшинчилик борасида ҳам гўзал ва атрофдагиларнинг ҳавасини келтирадиган турмуш кечиради. Рўзгорида барака, қўни-қўшнлар олдида эса ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади.



Аллоҳ таоло эркак ва аёлни яратиб, уларнинг ўртасидаги никоҳ риштасини муҳаббат ва марҳамат устига қурган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

“Ва сизларга сокинлик топшингиз учун ўзингиздан жуфтли яратганлиги ҳамда ораларингизда севга ва марҳаматни солиб қўягани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир” (“Рум” сураси, 21-оят).

Ушбу оятдаги “мавадда” сўзи оиланинг сокинлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган муҳаббатни англатади. Демак, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат Аллоҳ таоло томонидан инсон қалбига солинадиган, оила риштала-рини боғлаб турувчи илоҳий неъматдир. Ёшлар шу жиҳатга ҳам масъулият билан ёндашиб, “телефон” ва шу каби “деди-деди” фитналардан ўзларини сақласинлар. Бир-бирига вафодор ва оқибатли бўлсинлар. Ана шу оилавий омонатдорликка содиқ бўлишнинг ўзи миллатга, Ватанга хизмат қилишнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Бу илоҳий амр — Яратган зотнинг айнан бандаларига бўлган меҳрибондиган турмуш кечиради. Рўзгорида барака, қўни-қўшнлар олдида эса ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади.

Мавзу кимга ноаниқ туюлса, билсинки, у ҳали ҳаётий ҳикматни англаб етмабди. Бунинг учун кўпроқ китоб ўқиш, уламолар, ёши улуглар ва маҳалла оқсоқолларининг ҳаётий панд-насиҳатларига қулоқ тутиш керак. Ҳаммамиз Аллоҳ таолодан яхшиликлар умид қилар эканмиз, У зот кўрсатган хайрли йўлдан юришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

“Олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ”, деганда донишманд аждодларимиз бир жиҳатдан маҳалла ҳаётини ҳам кўзда тутгандек гўё. Негаки, оилавий муносабатларда бирор муаммога дуч келсак, дардимизнинг давосини узоклардан излашга ҳавасмандроқмиз. Маҳалла-қўйга оилавий сиримиз ошкор бўлмасин, деган андиша ҳам бўлади, албатта. Аслида эса маҳалла оқсоқоллари, ҳаёт тажрибасига эга момоларимиз учун маҳалладаги ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ойна мисоли яққол кўришиб туради. Маҳалла фаоллари ва оқсоқолларига воқеани ипидан-игнасигача тушунтириб, англатиб ўтириш шарт ҳам эмас. Ҳатто улар зийраклик ва ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, юриш-туришимиз, ҳол-аҳволимизга қараб дардин-гизни тушуниб етайдилар. Не ташиш

ич-этингизни кемираётганини ҳам тахминан сезиб олишади. Шу билан бир вақтда, оилавий бесаранжомликнинг давосини маҳалла ҳаётига хос тарзда, энг қулай ечим билан тақлиф қилишлари ҳам аниқ. Шундай бўлган, муаммога ечим излаб қайга бориш керак? Аслини сўрасангиз, қирқ йиллик қўшингиз билганичалик, узокда яшайдиган яқин қариндошнингиз ҳам оилавий тутумингизни равшан тасаввур қила олмайди.

Қувонарли яна бир ҳолат шуки, ҳукуматимиз томонидан маҳалла фаоллари масъулиятини тубдан ошириш мақсадида қилинаётган ислохотлар негизда ҳам оилавий муносабатларни соғломлаштириш ётибди. Назаримизда, оилавий қўйди-чидиларнинг асосий сабабларидан бири — ёшларнинг улуглар ўғитига қулоқ солмасдан, ўз билганларича иш тутишлари бўлмоқда. Шунини яхши билишимиз керакки, ҳаёт синовларида тобланган оқсоқолларимиз ҳеч бир ёшга “ёмон бўл” дейишмайди. Имкон борича, агар аччиқ бўлса ҳам, тўғри йўлни кўрсатишади.

Бизга берилаётган барча неъматлар учун Аллоҳга шукроналар айтиб, фақатгина иқтисодий томондан эмас, руҳий жиҳатдан ҳам юксалишимиз учун ғайрат қилишимиз кераклигини англаб туришимиз. Қўлни қўлга берган ҳолда, ҳузур-ҳаловатда яшайлик. Ҳаётда бўладиган қийинчиликларни биргалашиб енгиб, олға юрайлик.

Келажак авлодларимизга маърифатли маҳаллаларда туғилиб, вояга етишлари учун шариоатлар яратиб, ўзимиз ҳам қувонайлик, яшаган умримиз беҳуда кетмаганидан фахрланиб яшайлик. Бу имтиҳон дунёсида яхшилик истаб, яхшилик қилиб, яхшилик ичида яшайлик. Ана шунда ўғил-қизларимиз биздан миннатдор, улугларимиз эса ўз хизматларидан мамнуният ҳисси билан хотиржам умргузаронлик қилишади.

Азимжон КАРИМОВ,
Тошкент вилояти, Тошкент
туманидаги “Ёпиқлик ота”
жоме масжиди имоми.

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



*қўп миллатли халқимизнинг қувончу таъвишлари,
жамиятдаги жамики ютуқ ва муаммоларни ўзиники деб
биладиган заҳматкаш матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимларини юртимизда кенг нишонланган касб
байрами билан қутлайди!*

*Журналистдан тинимсиз меҳнат, изланиш ва Ватанга
садоқат билан хизмат қилиш талаб этилади. Ана
шундай фидойи инсонлар Янги Ўзбекистонда, жумладан,
Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жуда кўпчиликни
ташкил этади. Ана шундай жасоратли ижодкорларнинг
ҳалол ва холис меҳнатлари боис, юртимизда, бутун дунёда
кечаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўламиз.
Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, матбуотни
қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг
очиқлигини янада кенгайтириш, ахборот соҳасида илгор
ва замонавий медиамаконни ривожлантириш борасида
эътиборга лойиқ ишлар амалга ошириляётгани
диққатга сазовордир.*


*Қаламингиз ҳамиша ўтқир, сўзингиз ҳамиша ҳақчил бўлсин,
қадрли ОАВ вакиллари, соҳанинг тажрибали устозлари!*



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

куни кеча ўзларининг касб байрами —

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини кенг
нишонлаган фидойи журналистларга, матбаа ходимларига, соҳанинг барча
фахрийларига узок умр, бахт-саодат, ижодларига улкан муваффақиятлар
тилайди.



“Мен сизларни – юксак билим ва салоҳиятга эга,
ватанпарвар барча журналистларни ўзим учун
доимий маслакдош, жонкуяр дўст деб билишимни
яна бир бор изҳор этаман”, деди мамлакатимиз
Президенти ўз табригида.

Дарҳақиқат, бугун дунёда кечаётган нотинч ва тез
ўзгараётган даврда сиз матбуот аҳлининг жасорати,
шижоати ҳамда холислиги ҳар қачонгидан ҳам
аҳамиятлидир.

Заҳматли ва шарафли касбингиз, фаолиятингиз
ортидан топадиган обрў-эътиборингиз янада баланд
бўлсин, азиз ижодкорлар!

— **Дадаси, қаранг, сизга нима олиб келдим! — рафиқамнинг овози қулоқларимни майин силаб ўтди.**

— **Нима экан? — эринибгина сўрайман унга ўгрилиб. У бўлса қўлидаги бир уюм кийим-кечак орасидан менга сотиб олган совғасини қидиради.**

Ёш эдим. Ҳақратон қишда кийишга тузукроқ кийимим йўқ. Ташқарида қора совуқ. Аёз баданни жунжиктиради. По-йабзалининг таглиги юпка, яна бироз сув ҳам ўтади. Шундай бўлса-да, ўзимга қараб, бор-будимни саришта-лаб, оро бериб юардим. Уст-бошим-нинг янги ёки эскилиги мен учун аҳамиятсиз эди. Ярашса бўлди-да. Сал уринса, у ёқ-бу ёғини ўзим бирпасда тўғрилаб олардим.

Шу аҳволда, изгиринда ҳам яхши кўрганам билан учрашувга чиқардим. Хиёбонларни биргалашиб кезардик. Қизик-да, юракларимиздаги чўғ секин алангаланиб, олов бўлиб ёнарди. Сўнг иккимиз ҳам қалбларимиз тафтига тобланардик. Бизга совуқ заррача таъсир қилмасди. У ҳам юпун кийинган. Устига-устак, менга чиройли кўри-наман деб, бор биситини эғнига илиб чиққан. Ора-орада музлаган қўлларини қўйнимга тикиб, иситиб оларди. Совуқда дилдираб, қунишганча бир-биримизга муҳаббат изхор қилардик, эркаланардик.

— Сени севаман, — дейман пичир-лаб. У бўлса совуқдан қалтираганидан жавоб қайтаролмайти. Кўнглимизда қувонч, шодлик ва соф муҳаббатдан бўлак ҳеч вақо бўлмаган. Қандай бахтли кунлар эди-я!..

Шу ширин ва маҳзун ўйлар оғушида рўпарамда турган рафиқам Фазилатга қарайман. Соқларига оралаган оқлар ва юзидаги майда ажинлар ортидан, йиллар ўтган бўлса-да, ўша совуқ хиёбон изгиригида мен билан бирга дилдираган, қалби олов қиз ҳали-ҳамон менга боқиб тургандек туюлади.

Ичкарига кириб, у олиб келган кийимни эғнимга ташлаб чиқдим.

— Мана, хотин, сен ҳақлагандек эр бўлдим, — дейман овозимга бироз ҳазинлик бериб. — Олиб келган яқтагининг кийиб олдим. Қара, худди ўзимга бичилгандек бўй-бастимга мос тушди. Тикувчи қурмағур ўлчамимни аниқ билганим, эғнимда туришини кўр бунди. Пахтадан экан, бадангайм жуда хуш ёқди. Ҳаммаси яхши, ҳамма нарсаси жой-жойида... Қара, мана! Бугундан бошлаб қарилгини қарши оламан...

У ичимдан нималар ўтаётганини сезмайди. Одатдагидек, бегубор жилмайти. Мен эса дераза ортидаги қаҳратон қиш манзарасига тикилиб, яна ўша узоқ ўтмишга — янги ўйланган пайтларимга ва Тошкентнинг муздек кўчаларига хаёлан қайтаман.

Ёшликдаги соф муҳаббатимиз кун келиб бизни жиддий ҳаёт бўсағасига етаклади. Ич-ичимда бир овоз бот-бот янгради: “Ўйлашни керак... Оила қуриш керак!”. Қалбим тўрида аллақачон хиёбон изгиригида мен билан бирга дилдираган қадрдан инсон яшарди.

Ундан бошқасини умр йўлдош сифатида асло тасаввур қилолмасдим.

Аммо қишлоқда уйдагилар бундан беҳабар, мени тезроқ уйлантириш тараддудига тушиб қолишганди. Таътилга борганимда, ота-онам таниш-билишлар, қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар тавсия қилган бир неча номзодни бирма-бир мақташга тушишди. Бироқ юрагимнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун уларнинг танлови менга эриш туюларди. Дардимни айтолмай, барибир ўша бўлғуси келинлар билан бирма-бир учрашишдан бошқа чорам йўқ эди.

кўча-ю, наҳотки у ҳам тинимсиз деди-дедилар тўқнашувига айланиб кетса?!

Шу чоқ мени бундай машмашалардан фақат совуқ хиёбондаги софлик, бир-биримизни унсиз тушуниш туйғусигина кутқара олишини англаб етдим. Охир-оқибат онамга юрагимни очдим ва тақдиримни қалби қайноқ, бегубор қиз — Фазилат билан боғладим.

Барибир вақт ўз ҳукмини ўтказди. Ҳаёт бизни осон йўллардан юргизмади, сўқмоқлардан етаклаб, мана шу катта шаҳарга олиб келди. Ўйланганимдан кейин елкамдаги юк янада оғирлашиб, ташвишларим кўпайди.

— Йўқ, — дедим қатъий. Уларнинг ижара уйига бориб, ортиқча юк бўлишни, кимгадир оғирлигим тушишини истамасдим. Бундай ҳолатни ҳозир тасаввур қилиш тугул, бугунги тўқин ҳаётда яшаётган одамларга тушунтириш ҳам қийин. Агар айтсанг, шубҳасиз, ҳеч ким ишонмайди. Афсуски, буларнинг бари бошимдан ўтган аччиқ ҳақиқат эди.

Мусофирчиликдаги бу қийинчиликларни узоқдаги ота-онам ҳеч қачон билишмаган. Улар: “Ўғлимиз пойтахтда ўқияпти, насиб қилса, ҳали катта одам бўлади”, деб менга ишони-

— Шунга ярашасини, — дедим секин тангаларни узатиб. Айни пайтда мен учун бунинг аҳамияти йўқ эди.

Сотувчи менга жиндек қайтим ҳам берди. Эътибор ҳам қилмай, пулни чўнтагимга тикдим. Газета саҳифаларини варақлаб, мақолаларни ўқий бошладим. Вақт худди имиллаб, тўхтаб қолгандек эди. Тезроқ уйга етиб олсам дердим ва болаларимнинг, хотинимнинг бағрига ошиқардим. Ахир ижара бўлса-да, бошланам, мени кутадиган оилам бор эди.

Кетиш иштиёқи шунчалик кучайдики, беихтиёр чўнтагим тубига қўл солдим. Бармоқларим қалтираб, муздай темир тангаларга теғди. Уларнинг шарақ-шарақ қилган овози кўнглимни бузиб юборди. Олдин битта-иккита эди, ҳозир эса қафтим тўла... Кўзларимга ишонмай, уларни ёруғга тугтдим. Ростдан ҳам тангалар кўпайиб қолганди! Бирма-бир санасам, йўл ҳақига бемалол етади. Қувончим ичимга сиғмай, атрофга олазарак қарардим. Гўё кимдир менинг дардимни сезиб, билдирмайгина чўнтагимга пул солиб қўйгандек эди. Бор мақсадим — тезроқ уйга етиб олиш бўлгани учун биринчи автобўсга ўзимни урдим. Чўнтакда қолган ана шу майда пуллар болаларимга бир бўлка нон сотиб олишга ва эртасига ишга қайтишимга ҳам бемалол етарди. Шу оқшом ҳар бир тийинни жой-жойига сарфладим.

Эртасига маош тегиб, кўнглим жойига тушгач, виждоним йўл қўймади. Ўйлай-ўйлай, дўкондаги газета сотувчисини суриштиргани бордим. Менга қайтимни кўп бериб юборгани аниқ эди. Аммо дўконча анчагача ёпиқ турди. Орадан беш-олти кун ўтиб, ниҳоят, у ерда бир онахон кўриниш берди. Сўрасам, у киши доим ўтирадиган отахоннинг турмуш ўртоғи экан. Озгина сукутдан кейин:

— Чолим яхши одам эди, — дея йиғи-сиги қилиб олди. Бироз ўнғайсизландим. Отахон ўша кундан кейин тўсатдан оламдан ўтиб қолибди... Юрагим увушиб, бўлган воқеани онахонга сўзлаб бердим. Шунда кампир мийида маъноли кулиб қўйди ва раҳматли чолининг асл ҳиммати ҳақида сўзлай бошлади. Айтишича, отахон дўкончани ёпаётган пайтда менинг бекатдаги маънос ҳолатим унинг диққатини тортди. Ҳар тарафга автобуслар келиб-кетса ҳам, чўнтақларимни тимирскилаётганимни кўриб, пулсиз қолганимни сезибди. Нафсониятимга тегмаслик учун ёнимга келишга истиҳола қилиб турганда, бахтимга ўзимга газета сўраб борибман. Отахон атайлаб қайтимни кўпроқ қилиб берибди. Энг ажабланарлиси, чоли эртасига эрта-ла Ҳақ қарори билан бу дунёни тарк этган экан... Омонат пулни онахонга қайтармоқчи бўлдим. Аммо у кўнмади: “Дуо қил, болам, Олимжон отангнинг қабри нурга тўлсин”, деди. Мен ўша қабдан бери у азиз инсонни доимо дуо қиламан. Танда жоним бор экан, асло унутмайман. Сизлар ҳам мен учратган бу олийжаноб инсон ҳақида бир лаҳза дуо қилиб қўйинг, азизлар! Яхши одамлар кўпайсин бу дунёда.

Ҳаёллар мени яна орта — ҳозирги



Муаллиф ҳақида: Бахтиёр НУРИДДИН (Нуриддин) 1972 йил Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Анча йиллардан буён Ўзбекистон миллий телерадиоккомпаниясида фаолият юритади.

Муаллифнинг “Шудринг гуллари” ҳикоялар тўплами нашр этилган. “Онажон, Қазбам ўзинг!”, “Муҳаббатнинг мангу эртаги” каби ҳикоялар тўпламларида эса ижодидан намуналар киритилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

шинам ва иссиқ уйимга қайтаради. Гоҳ рафиқамнинг самимий кўзларига, гоҳ эғнимдаги ятакка қараб, ичимдан қувонаман.

— Етказганига шукур. Раҳмат сенга, онаси! — дейман шивирлаб. У сўзларимни эшитмайди, лекин менга қараб чиройли табассум қилади. Аввалгидек: “Сени севаман, Фазилат!” — демоқчи бўламан-у, тилимни тишлайман. Шуниси ҳам маъқул. Агар эшитгудек бўлса, тинимсиз қойиши аниқ.

Яна хаёлга толаман. Ҳозир ҳамма нарсам етарли. Ҳаётим ўзим истаганимдан ҳам тўқин, фаровон ва мўлқли. Иссиқ, қимматбаҳо либосларимнинг тури шунчалик кўпки, жавондаги пойабзалларимнинг сон-саногига етолмайман. Уйим шинам, шароитим аъло... Лекин... лекин ўша йиллардаги юракни иситадиган бегубор, оловли туйғулар йўқ. Вақт ўтиб, сочга оқ оралаганда, эғнимизга мана шундай кексаллик яқтагини қийганимизда, инсон ўтмишдаги қашшоқ, аммо қалби осмондек кенг бўлган бахтли одамларни, содиқ дўстларини соғинар экан.

Бугун эса ёшлик йилларининг ҳеч қачон қайтиб келмаслигини аниқ биламан — мана шуниси бироз эриш туюлади, холос. Нимагадир ичимдан бир нарса узилиб, яна совуқ хиёбонни ва вокзал тунларини кўмсайман...

Аслида, дунё ўзи шундай: ярми қувонч, ярми ташвиш; ярми қоронғилик, ярми ёруғлик; ярми шодлик ва ярми ғам... Ҳаётнинг қайси ярмида бўлмайлик, қалбларимиздаги инсонийлик, меҳр ва чексиз муҳаббат бизнинг тирлигимиз белгисидир.

2026 йил, Тошкент.

✓ ВОКЕИЙ ҲИКОЯ



Даштдаги туманларнинг бирида участка нозири бўлиб ишлаган Абдиқарим мелиса бир кунги ўзи гувоҳ бўлган қизик воқеани сўзлаб берди.

— У пайтларда ҳозиргидек турли русумдаги енгил машиналар камчил бўлиб, одамлар ишга йўловчи машина ва автобусларда қатнаб, ҳаракатланишга энг қўлай воситалардан яна бири велосипед саналарди.

Кунларнинг бирида бозор яқинидаги ички ишлар бўлимига қарашли хонамга танишим Тўйчи муаллим ҳовлиқиб кириб келди ва салом-алиқни ҳам унутиб, деди:

— Мелиса ака, тез бўлинг, велосипед ўғирсини топдим!

— Қаерда экан ўша ўғри? — дея шошилиб сўрадим.

— Анови гушт дўқони ёнида, тезроқ бўлинг, тагин қочиб кетмасин...

Икковимиз ошичиқ дўқонга суяб қўйилган велосипед ёнига бордик.

Бизларни кўрган Турдимурод қассоб деди: — Эй, келинғизлар, катта боболар, гўштининг “свежий”сидан бор, айтинг, қанчадан тортайин?

— Гўштни кейин оламит, бизга мана бу матоҳнинг эгаси керак эди, — дедим велосипедга ишора қилиб.

— Эй, буми? Салим жиянимники. Ана, дўкон ортида қўй сўйишга ўғилларимга кўмаклашпти.

— Бўлмаса, қақиринг жиянингизни.

Кўп ўтмай, ёнимизга қорачадан келган, ўрта бўйли, жингалак сочли йигит салом бериб келди-да, деди:

— Менда ишларингиз бор экан, тоғам айтиди.

— Ҳа, бор. Айт-чи, ошна, манами велосипед сеникими? — дея сўрадим.

— Ҳа, меники.

— Бекор айтибсан, бу менинг велосипедим. Яшил тусли эди, сен унга қизил бўёқ суртгансан, холос, — деди Тўйчи домла тутакчи.

— Ҳой, домла, тўхмат қилманг, бу йигит ўғрилиқ қиладиганлардан эмас, палаги тозалар-



дан, — дея қассоб ўдағайлаб ёнимизга келди.

Тортишув бошланди. Бир зумда текин томошабинлар ҳам кўпайди. Бозорқўм Алланазар раис ҳам воқеадан хабар топиб, халойиққа қарата:

— Ўртоқлар, тинчлик сақлансин! Дунё бедарвоза эмас, шу жумладан, бозор ҳам. Ана, мелиса бор, мен бор, барисини аниқлаб, қонуний ҳал қиламиз! — деди.

Биласиз, дашт одамлари бир-бирини яхши танийди, қолаверса, ўғрилиқ деган ҳодиса кунда бўладиган воқеа бўлмагани ва бу айланиб, ор-номусга бориб тақалгани учун тўпланганлар тарқалмади ва ҳатто кимдир: “Ўша баччағар ўғри ким экан?” — дея қичқирди.

Мен секингина Тўйчи муаллимга қарардим. Муаллим бамайлихотир Турдимурод қассобга:

— Жиянингиздан сўранг-чи, велосипедни қаердан олган экан? — дея савол берди.

— Анови райцентрдаги Россияга қўчиб кетган Аниса холаминг ўғли Толиқдан у ой аввал сотиб олганман, — деди йигитча ёнида турган барзанги қассоб тоғаси тарафга қараб.

Турдимурод қассоб Тўйчи муаллимга хезла-

Ўролбой ҚОБИЛ

эътирофи! Шунинг учун жуда хафа бўлдим. Агар болали сигирини ўғирлашганида ҳам бунчалик ачинмас, қуйиб-пишмасдим...

— Лўлиларга ўхшаб артистлик қилмасдан, жиянимга қилаётган даъвонгизни халойиқ олдида исботланг. Бўлмаса, мен сизни асоссиз тўхмат қилганингиз учун судга бераман! — деди Турдимурод қассоб баттар тутакчи.

— Албатта, исботлайман, агар бунга одамларнинг олдида эришсам, унда нима бўлади?

— деди Тўйчи муаллим ҳам бироз аччиқлашиб.

— Агар жиянимнинг шундай нопок ишга қўл ургани рост бўлса, сизга шу арзимас темир аравага қўшиб, тўртта қўчқорнинг пулини ҳозироқ тўлаб, қассобхонамни ёпаман! Агар даъвойингиз асоссиз бўлса, жияним ва мендан кечирим сўраб, қишлоқдан қўчиб кетасиз, келишдикми?

— Келишдик, — дея Тўйчи муаллим биринчи бўлиб қассобга қўл чўзди. Турдимурод қассоб ҳам ўйлаб ўтирмай “беш”ни қасбилла-тиб ташлади.

Тортишув авжига чиқди. Тўйчи муаллим гумондор йигитчага юзланиб:

— Айт-чи, оғайни, велосипеднингнинг эгари, яъни ўриндиғи тағида нима борлигини биласанми? — деб сўради.

— Ҳа, биламан, ҳеч нарса йўқ!

Тўйчи муаллим баянд овозда одамларга:

— Йигитчанинг сўзини ҳамма эшитдимми? — дея мурожаат қилди.

Чор тарафдан “эшитдик”, “ҳеч нарса йўқ”, деган товушлар эшитилди.

— Бўлмаса, мен участка нозиримиздан икита гувоҳ кузатувида велосипеднинг эгарини ечишни илтимос қиламан!

Мен икита гувоҳни қақириб, Турдимурод қассобга қарардим. У ҳам: “Розиман”, — дея баш ирглади.

Гувоҳлардан бири велосипед қутисидан қўчқор олиб, бир зумда эгарини ечиб, Алланазар раиснинг қўлига берди.

Бозорқўм эгарини аввал обдан айлантириб қўрган, таг қисмига қаради-ю: “Во, ажабо!!!” — дея хайқириб юборди ва баланд овозда: “Амин-нон Тўйчи, 2016 йил” деган ёзувни ўқигач, аввал Турдимурод қассобга ва унинг жиянига, сўнгра менга ва Тўйчи муаллимга, охирида атрофдагиларга қўрсатиб қикди.

Бир зумда атрофни ажабтовур жимжитлик эгаллади. Халойиқ гап-сўзсиз тарқалди. Турдимурод қассоб эса бошини чангаллаганча чўккалаб қолди. Ўғрилиги фаш бўлган йигит йиғламоқдан бериб бўлиб атрофга аланлар,



Муаллиф ҳақида: Ўролбой ҚОБИЛ (Қобил) 1955 йил Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Гулистон қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг тарих факультетини битирган. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада.

Муаллифнинг “Кечиккан қарвон кўнғироғи”, “Адиб ортидаги қишлоқ”, “Эна тупроқ”, “Қўнғилга йўл” деб номланган қатор китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

аммо унга энди ҳеч ким ачинмас, эътибор ҳам қилмасди...

Мен эса хизмат вазифамни бажаришга киришиб, ўғри йигит Салимни ва велосипед эгаси Тўйчи муаллимни хонамга олиб кириб, тушунтириш хатини олгач, ишни тергов бўлимига топширдим.

Орадан бир неча ой ўтиб, бу иш бўйича туман суди қарор чиқарди.

Ўғри йигит икки йилга озодликдан маҳрум қилинди. Кейин эса Турдимурод қассоб ҳам дўқонини ёпиб, бозорда кўринмай қўйди.

Аммо Тўйчи муаллим ўша-ўша... Қайтадан яшил рангга бўялган велосипеди билан мактабга гизиллаб қатнаб юраверди.

ЯНГИ НАШР

ДАРЁ КАБИ ЖЎШҚИН
ИЖОДКОР

Тўлқин ака билан биз битта тумандан — иштихонликмиз. Акани, қачон қарамайлик, очик чехрада учратамиз. Қувнок ҳангомалари, латифагўйлиги, фақат узмигагина хос қаҳ-қаҳ отиб қулишлари билан даврани ростакамига жонлантириб юборади.

Кўпчилик қаламқашлар мен билан тумандош ижодкорларни сўрашганида устоз шоир Йўлдош Эшбек билан Тўлқин Эшбекни "улар қариндошми?" деб сўрашади. Ҳа, дейман, бизда бегоналик кайфияти йўқ, ҳаммамиз ога-инилармиз, деб қўшиб қўяман. Ростини олганда ҳам Иштихон туманида ижодкорлар сероб. Айниқса, Оқтоғ ён-бағридаги Зарбанд элининг ўзидан Абдулла Турдиев, Йўлдош Эшбек, Тошпўлат Мавлонов, Рауф Субҳон каби таниқли ижодкорлар етишиб чиққан. Биз бўлса мана шу инсонларга ҳавасланиб, эргашиб бораётганлардан.

Тўлқин аканинг қўйил қолишга арзийдиган жиҳатлари жуда кўп. Даставвал халқ депутатлари Олмасор тумани Кенгаши депутати сифатида ҳар қачон эл орасида бўлади. Ижодкор кўнгли билан халқнинг дарду ташвишларига малҳам ахтаради, ечим излайди...

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида тахсил олган кўпгина ижодкорлар бугунги кунда акани энг кўп йўқлайдиганлардан. Айтмоқчиманки, шоғирдларварлиги ҳам ҳаваслантирадиган даражада.

Аканинг табобат илмидан ҳам муносиб хабардорлигини кўпчилик билмас керак. Лекин маълум йиллар илгари оғир бир дардга чалиниб, да-

восини ҳам ўт-ғиёҳлар ортидан топган ва бугун мутлақ соғайиб, исмига мос тарзда тўлқинланиб, жўшиб ижод қилиб келаётир.

Тўлқин аканинг шунча юмушлардан ортган ҳолда кўлга киритиб келаётган ижодий сермаҳсуллигини алоҳида эътироф этиш лозим. Муволафасиз айтганда, бир йилда қаммида икки китобни ёзиб тугаллайди ва чоп қилишга ҳам улгуради. "Жадидлар жавҳари" номли китобини муаллиф дастхати билан кўлимга тутқазганига ҳали кўп ўтмаган эди, шекилли. Бугун эса "Ватан, миллат, халқ мадҳи" номли янги китобини чиройли тилаклар битиги ила тутқазиб турибди. Қўйил қолмай бўладими?

Ушбу янги китоб Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Зарафшоннинг тўлқин элчиси" номли сўзбошиси билан бошланиб, унда шундай таърифлар келтирилади: "Тўлқин Эшбекни ҳаммаша жўшиб, тўлқинланиб юрган ҳолатда кўрамиз. У бамисоли сертошқин дарёдан ҳаёт бағрига ташланган озода ва эркин элчидай... У тириклик ва ҳаётнинг жайдари шайдоси, туйғу ва муносабатларини бирданига ошкор қилувчи бегидир ва бегубор бир инсон..."

Китобга, бир сўз билан айтганда, жуда дид билан тартиб берилган. Аввало, қалин муқова юзида юртимизнинг мусавффо осмонига бўйлашиб турган сарбаланд Ҳумо қуши монументи ва унинг атрофида чарх уриб учиб юрган осоийшталик рамзлари — қабутлар, шунингдек, Ватанимиз байроғининг ранго-ранг жиқлоси акс эттирилган. Китоб мундарижасидаги сарлавҳаларни ўқи-боқ, юртга бўлган бекиёс меҳр иззори тафтини сезасиз, бугунги Янги Ўзбекистоннинг дунё бўй-



лаб янгича овозасини ҳис қиласиз.

Бир сўз билан айтганда, шоир Тўлқин Эшбек ўзининг меҳрга бой қалбидан тўкилган шеърли манзумалар жамланган ушбу кўркем китобини Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тўйига муносиб тўхфа тарзида тақдим этади.

Сўнгсўз ўрнида шоирнинг мазкур китобни очиб берган улкан қасидасидаги ушбу раван мисраларни келтирмоқчиман:

Кулди Истиқлолинг, ўлкам, янги аср остонаси,
Боши кўкка етди эл — ҳурлик майин мастонаси,
Бу жаҳон айвонида бор ўзининг хос хонаси!
Ёшлари шоҳсупа даъвогаридир ҳар соҳада,
Ўзаришлар катта бул кун водий ила воҳада!

Бир йилгит ёшига етди Истиқлолимиз бу кун,
Мисли кундуздек қароғондир шабистоним бу кун,
Байраминга армуғондир шеъру достоним бу кун,
Тўлқин ўғлингдан қабул эт бул қасидам, онажон,
Тоабд бўл ал-омонда, Ўзбекистон жонажон!

Ориф ТЎХТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюмчаси аъзоси, шоир.

МУТОЛАА

Яқинда сеvimли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг машҳур "Улугбек хазинаси" романини ўқиб чиқдим. У ерда жаҳонга машҳур олим, давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг бой кутубхонасидан жой олган, аллома ва унинг шоғирдлари қаламига мансуб асарлар, шунингдек, хорижлик олимларнинг нодир китоблари асл хазинага тенглаштирилиб таъриф у тавсиф қилинади: қаттиқ муқовали, қалин, салмоқли китоблар...

"Улугбек хазинаси"ни ўқиб турган вақтимда драматург, халқаро шарҳловчи, сиёсатшунос олим, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси Лазиз Раҳматовнинг "Dunyo mamlakatlari" китобини муаллифнинг дастхати билан келтириб беришди.

БИР КИТОБГА
ЖО БЎЛГАН ОЛАМ

Аввал бу китоб чиққанини ижтимоий тармоқларда, телевидение орқали эфирга узатишдан кўрсатувларда кўрган, эшитган, муаллиф билан кўришганда уни бо салмоқли ютуғи билан табриклаган ҳам эдим. Лекин нашрни кўлимга олдим-у... менда "Улугбек хазинаси"да таърифланган китобларни тутиб тургандек тасаввур пайдо бўлди. Бундай ўхшатиш қилганимизнинг боиси шуки, Лазиз Раҳматов бундан бир неча йиллар аввал "Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача" китобини (Тошкент, Фафур Ёулмон нашриёти, 2019. — 848 бет) ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган ва у анча шов-шувга сабаб бўлган эди.

Биринчи нашр ҳозирги иккинчи нашрга қараганда ҳажман ва шаклан анча кичик эди. Ушанда ҳам муаллиф китобнинг бир нусхасини оиламизга тўхфа этган, ўзим ва турмуш ўртоғим журналистлар, ижодкорлар эканимиз сабаб иш фаолиятимизда ақсарият ҳолларда шу китобга мурожаат қилиб турардик.

Ушбу нашр биз учун беминнат дастёр вазифасини ўтайди. Чунки иш, ижод, таржима жараёнида хилма-хил мавзудagi матнлар учраши табиий. Айрим фактларни аниқлаштириш, солиштириш-таққослаш, факт-чекнинг текширувидан ўтказиб, маълумотлар аниқ, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш талаб этилади. Акс ҳолда, закий, билимдон ўқувчи бир қарашдаёқ нотўғри маълумот келтирилганини билиб олади, ҳақиқатни ноаниқ, текширилмаган далиллардан ажрата билади. Мана шундай ҳолларда "Dunyo mamlakatlari" китоби сизга беминнат ёрдамчи, бераз дастёр бўла олади.

Чунки ўзига ўта талабчан муаллиф унда келтирилган ҳар бир санани, рақамни, номни ва бошқа кўпплаб маълумотларни минг чигиридан ўтказган, текширган, тўғрилигига ишонч ҳосил қилганча сизу бизнинг эътиборимизга ҳавола этган.

Айрим ота-оналар болаларининг дунёқарашини ошириш учун оналар даврасида қуйидаги ўйинни ўйнашади: катталар давлатларнинг номларини айтишади, болалар эса уларнинг пойтахтларини топишлари лозим бўлади.

Дунёда давлатлар кўплигидан бу ўйиннинг нечоғлиқ мурраккаблигини таҳмин қилиш қийин эмас. Лекин сўнгги вақтларда болаларнинг бу ўйинида пойтахтларнинг номларига бошқа визуал жиҳатлар, масалан, давлатларнинг байроғи қабила ҳам қўшилдики, буларнинг ҳаммасини "Dunyo mamlakatlari" китобида учратиш мумкин. Бу нафақат келажагимиз пойдевори бўлиши болажонларнинг, балки катталарнинг ҳам билим доираси ошишига олиб келиши шубҳасиз.

Эндиликда Ўзбекистон дунёнинг барча китъасида жойлашган кўпплаб давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилади, 170 га яқин мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатади.

Ҳар бир давлат ҳақидаги барча маълумотларни, ўзингизни ўйлантирган саволлар жавобини "Dunyo mamlakatlari" китобидан топасиз. Тадбиркорлик билан шуғулланишчи бўлсангиз, қайси мамлакатлар иқтисодиётининг қайси соҳаларига ихтисослашган, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаради, қандай хизмат турларини кўрсатади, нимаси билан машҳур каби саволларга асосий жавобларни ҳам шу китобдан топасиз.

Ёки, дейлик, саёхатга отланиб турибсиз, лекин қайси йўналишни танлашда иккиланасиз. Марҳамат, "Dunyo mamlakatlari"да сиз излаган маълумотларнинг ҳаммаси мўжассам. Хуллас, бу китоб сизга ҳаётингиз давомида асқатиши аниқ.

Нашрнинг лотин ёзувида, энциклопедик тартиб асосида тайёрланган илмий-мамабон китоб эканлиги, китобнинг барча саҳифалари рангли бўлиб, унда давлат байроқларидан ташқари, ҳар бир мамлакатнинг рельеф харитаси берилгани, ўлкаларга доир табиат манзаралари, шаҳарлари фотосуратлари рангли кўринишда чиройли жойлаштирилгани, китобнинг информативлиги эътиборингизни тортади.

Яна бир жиҳат. 2019 йилги нашрда тахрир ҳайъатида 24 нафар аъзо бўлган бўлса, унинг кенгайиб бориши билан улар сони 49 нафарга етказилгани ҳам низоҳатда тўғри иш бўлган.

Китобда футбол бўйича 2026 йилги жаҳон чемпионатида қатнашадиган айрим, номлари жуда кўпчиликка нотаниш бўлган мамлакатлар ҳақида атроф-

лиха маълумот берилган. Масалан, Кюрасао.

Китобнинг биргина "А" ҳарфи билан бошланадиган мамлакатлари ҳақидаги мақолаларни ўқиш асосида қуйидаги қимматли маълумотлар эътиборимизни тортди:

— *Андорра давлати пойтахти Андорра-ла-Веля Европада энг баянд жойлашган пойтахтидир;*

— *дунёда аҳолиси бор-йўғи 16 минг кишини ташкил этадиган Ангилья (ҳа, хато ўқимадингиз, Ангилья эмас, айнан Ангилья) давлати (Британиянинг океан ортидаги ўзини ўзи бошқарувчи ҳудуди) ҳам бор экан;*

— *Ангола давлатида, минг афсуски, 2015 йил 3 сентябрда ислом динини тақиқлаш ҳақида Президент фармони қабул қилинди, бу давлат пойтахти Луанда яшаш учун дунёдаги энг қиммат шаҳарлардан бири ҳисобланади, мамлакат иккинчи президенти Жозе Эдуарду душ Сантушининг қизи Изабель Африкадаги энг бой аёлдир;*

— *Антигуа ва Барбуда Ҳамдўстлиги ҳудудидаги энг баянд нуқта — денгиз сатҳидан 402 метр баландда жойлашган Боэги тепалиги АҚШ президенти Барак Обама шарафига Обама тепалиги деб аталади;*

— *жаҳоннинг энг жанубий шаҳри Ушуйяя Аргентинада жойлашган, 1920 йилда Аргентинада дунёда биринчи бўлиб радиостанция тўлқин узатиши амалга оширила бошлади;*

— *Арманистон аҳолиси 3,1 миллион кишини ташкил этгани ҳолда арман миллатига мансуб 5,6 миллион киши бошқа мамлакатларда истиқомат қилади, Арманистон насронийликни давлат динига айлантирган жаҳондаги биринчи мамлакатдир, бу ердаги мактабларда шахмат факультатив эмас, мажбурий предмет сифатида киритилган;*

— *Австралия уран захиралари бўйича дунёда 1-ўринда туради (33%), уни қазиб олиш бўйича эса Қозғистон ва Канададан кейин 3-ўринни эгаллайди.*

Хуллас, китобни ўқиган киши кўпплаб қизиқарли маълумотларга дуч келиши ва дунёқарашини анча кенгайиши аниқ.

Ҳозир муштарийлар икки тоифага бўлинади: бирлари босма китобни мутулаа қилишни афзал кўрса, бошқалари электрон тарздаги нашрларни ўқишни ёқтиради. Китобнинг электрон нусхаси ҳам алоҳида бот орқали тарқатила бошлагани ўқувчилар аудиториясининг янада кенгроқ бўлишини таъминлайди ва хориж сафарига олганганларга қўл келади.

Муаллифнинг маънавиятини юксалтириш, бунинг учун китоб ўқиш маданиятини тарғиб этиш, ёш, истеъдодли муаллифларни топиш, китобларини чиқаришга ёрдам бериш, уларнинг эркин ижод қилишига кўмаклашиш, нашрдан чиққан китобларни матбуот анжуманлари орқали тарғиб этиш каби фазилатлари, албатта, бугунги кунимиз учун жуда манфаатлидир.

Ўтмишда Мирзо Улугбекнинг асл хазинаси бўлмиш илмий китобларни сақлаб қолиб, уни келгуси авлодларга бешикаст, безиён етказиш учун унинг содиқ шоғирдлари Али Қушчи, Мирам Чалабий, Қаландар Қарноқий ва бошқалар қанчалик заҳмат чеккани, жонини гаровга қўйгани маълум. Чунки Мирзо Улугбек ўлимидан сўнг ҳокимиятга келган Мирзо Абдуллатиф ва унинг тарafdорлари дунёвий китобларнинг тарқатишга тиш-тирноғи билан қарши чиққан.

Ҳозир эса бизда бунинг мутлақо акси — давлат раҳбари китобхонлиқни тарғиб қилиш, ижод аҳлига турфга хил имтиёзлар яратиш, китобхон ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлиб турибди. 22 май куни эса муҳтарам Президентимиз "Миллий китобхонлик ҳаракати"ни бошлаб бергани, ушбу дастур учун умумий йиллик 240 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот фонди ажратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шу жиҳатдан, Лазиз Раҳматовнинг мутулаа маданиятини оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ўзи асос солган "Қанот" лойиҳасини фаол қўллаб-қувватлаб келаётгани ҳам шак-шубҳасиз эътиборга молиқдир.

Абдувоҳид УМИРОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, таржимон.

САНЪАТ

ХАЛҚ ХОТИРАСИ
ЯШАЁТГАН ГЎШАЛАР

Музей — тарих кўзгуси. Ўтмиш ва келажакни боғлайдиган ушбу муқаддас масканлар орқали халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи билан танишамиз. Музейлардаги ҳар бир экспонат аждодларимиз ҳаёти, яшаш тарзи, меҳнат фаолияти, маданияти ва санъати ҳақида сўзлайди.

Бугунги кунда юртимизда 130 га яқин музей фаолият олиб бормоқда. Маълумотлар сони 2,17 миллиондан кўпроқ. Шу ўринда ўз фаолиятини намунали йўлга қўйган ўнлаб музейларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи республикамиздаги энг йирик санъат масканларидан бири ҳисобланади. Нукус шаҳрида жойлашган бу музей 1969 йилда ташкил топган бўлиб, 1984 йилдан буён И.В. Савицкий номи билан аталади. Музейга таниқли этнограф ва реставратор Игорь Савицкийнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда у тўплаган қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари негизида асос солинган. Музей зағларини айланар эканмиз, қорақалпоқ халқининг яқин ўтмишдаги ҳаёти, гўзал санъати ва оруз-армонлари билан юзма-юз келгандай бўламиз.

Албатта, Ўзбекистонда бундай кўптуғ масканлар жуда кўп. Ўзбекистон амалий санъат музейи, Самарқанддаги "Афросиёб" музейи ҳамда Термиз археология музейи шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда юртимизнинг барча вилоятларида ҳудуд тарихи, маданияти ва санъатини акс эттирувчи музейлар фаолияти самарали йўлга қўйилган. Бу эса, бир томондан, маҳаллий аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, уларга қўшимча қулайлиқлар яратиш имконини бермоқда.

Биз яқинда Ангрен шаҳридаги Ўлкашунослик музейи фаолияти билан атрофлича танишдик. Ушбу музей 1960 йил 21 сентябрда "Соғғоруд" посёлқасида ташкил топган. 1972 йилда эса янги, мослаштирилган бинога кўчирилган. 2019



йил 19 августда шаҳар ҳокимининг қарори билан унга "Ангрен шаҳар тарихи музейи" номи берилди. Музей ҳозирги кунда учта — табиат, тарих ва санъат бўлимларидан иборат.

Айни пайтда 25 нафар ходим фаолият юритаётган бу масканда 35 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда. Музейнинг тарих бўлимидан ўрин олган экспонатларда "Соғғоруд" посёлқасининг ташкил этилишидан тортиб, Ангреннинг замонавий шаҳарга айланиши ва ҳозирги кунгача бўлган ривожланиш даври ҳўқоя қилинади.

Музейга ташриф буюрганлар саноат хомашёси бўлган кўмир қонининг очилиши ва у ерда олиб борилган дастлабки ишлар билан батафсил танишишлари мумкин. Албатта, ўтган асрнинг 60-йилларида кўмир қазиб чиқариш осон кечмаган. Томошабинлар техника ривожланган кейинги йилларда ишлаб чиқариш сифати ва самардорлиги ортиб бораганини музейдан жой олган суратлар ҳамда бошқа ноёб экспонатлар орқали яққол билиб оладилар.

Ангрен иссиқлик электр станцияси (ИЭС) ҳам шаҳардаги йирик саноат қорхоналаридан биридир. Қорхонага тамал тоши қўйилган даврдан бошлаб то шу кунгача, яъни у йирик ишлаб чиқариш мажмуасига айланганга қадар ишчилар томонидан қанчалик фидокорлик ва жасорат кўрса-

тилгани музей экспонатларида батафсил акс этирилган.

Ангрен — тоғли ҳудудда жойлашган сўлим гўшаларимиздан бири. Шунинг учун ҳам бу ерда ўнлаб санаторий ва дам олиш масканлари халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Дам олувчилар музейга ташриф буюриб, Ангреннинг ўзига хос гўзал табиати, наботот ва ҳайвонот олами билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Шаҳар йилдан-йилга ривожланиб, ишлаб чиқариш суръатлари ошиб, аҳолининг моддий фаровонлиги юксалиб бораётган кўркем масканга айланмоқда. Шу билан бирга, бу ерда санъат ва маданият ҳам изчил тараққий этипти.

Музей экспозицияларида нафақат кечаги кун тарихи, балки бугунги кун қаҳрамонлари — маданият ва санъат соҳасида астойдил изланиб, юксак натижаларга эришаётган замондошларимиз ҳаёти ҳам кенг ёритилган. Музейга ташриф буюрувчилар улар ҳақида ҳам етарлича маълумот олишлари мумкин. Музей жамоаси халқимизнинг маънавий оламини юксалтириш йўлида хизмат қилаётганидан мамнун.

Динара ЭЛЧНОВА,
Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент.



Hurriyat
Mustaqil gazeti



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3943
Буюртма — Г-744

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 00¹⁵

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Манилими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусахҳиш: Зўҳра Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.